O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV. №



Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовга

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич!

Биз, Жиззах вилояти Мирзачўл туманининг қозоқ миллатига мансуб бир гуруҳ зиёлилари шуни маълум қиламизки, Сиз олиб бораётган одил ва оқилона сиёсатнинг энг биринчи натижаси юртимизда қарор топган тинчлик, осойишталик, барқарорлик, миллатлараро ва фуқароларо тотувликдир. Бунинг учун Сизга Оллоҳдан узоқ умр, сиҳат-саломатлик ва куч-қувват тилаб қоламиз.

Ватанимиз мустақилликка эришганига саккиз йил тўлди. Бу — жуда қисқа муддат. Лекин шу давр мобайнида республикамизда оламшумул ўзгаришлар рўй берди. Барча бунёдкорлик ишлари, катта ўзгаришлар шахсан Сизнинг раҳбарлигингиз ва раҳнамолигингизда амалга ошганлигини биламиз. Шунинг учун Сизга халқимизнинг чексиз миннатдорлигини изҳор этамиз.

Шу йил 16 февралда Тошкентда содир этилган қўпорувчилик ҳаракатлари бизларнинг қаҳр-ғазабимизни уйғотди. Биз аминмизки, қора кучлар ўз ниятларига ета олмайдилар. Биз мустақиллигимизни ҳар доим кўз қорачиғимиздек асраймиз.

Сизга чексиз ҳурмат-эҳтиром билан
Спатай МИНТАЕВ
Амирали АБДИРОВ
Рзали ЯКУБОВ
Кожан СЕЙТЕНОВ
Минжас ТОРИБОЕВ

Ўқувчиларга Президент совғаси

Қарши туманида мактабларни таъмирлаш ишига доир якуний тадбирлар ниҳоясига етди. Унда 58 та ўрта мактаб ва 1 та лицей-интернат янги ўқув йилига шай ҳолатга келтирилди.

Янги ўқув йилида 4500 та биринчи синф ўқувчисига сумка, дафтар, рангли қоғоз сингари жами 12 хил ўқув қуролларини ўз ичига олган Президент совғалари тарқатилади.

Ижтимоий муҳофаза сифатида кам таъминланган оилалар болаларига кийим-кечак, дарслик, китоблар учун тумандаги аксарият ташкилот, корхона, хўжаликлар ҳисобидан 2302 минг сўм ажратилган. Ўрмон хўжалиги, Я. Омонов, Т. Мирзаев номли ҳамда «Мустақиллик» жамоа-ширкат хўжаликлари мактабларга мунтазам равишда ёрдам бериб келишмоқда.

Илҳом КАРОМОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

2 минг доллар ва биттадан ксерокс

Ана шундай ўзига хос совринлар жорий йилда инглиз тили бўйича ўтказилган республика кўрик-танловида ғолиб чиққан Шарғун шаҳридаги иқтидорли болалар мактаб-интернатининг инглиз тили муаллимлари Зиёдулло Меликбобоев билан Гулнора Ниёзовага насиб этди.

Гулнора Ниёзова айни пайтда АҚШнинг Монтана штатида малака оширмоқда. Худди шу мактабнинг ўқувчилари ҳам тил билишликда устозларидан қолишмаяпти. Инглиз тили бўйича ўқувчилар ўртасидаги танлов ғолибларидан Қаҳрамон Ҳасанов, Тўйчи Мелибоев аллақачон Америкага бориб келдилар.

«Туркистон—пресс»

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси | 1999 йил 10 август, сешанба ● № 92 (24.487). | Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

«Ёш журналист» клуби

Ўзбекистон Давлат Жаҳон тиллари университетида Халқаро журналистика факультетининг ташкил қилиниши ёшларни оммавий ахборот воситаларига қизиқишини янада ортишига сабаб бўлди. Муҳими келажакда ёшларимиз турли хорижий тилларда эркин сўзлашиш билан бирга бевосита она тилига таржима санъатини ҳам ўрганадилар. Бу билан халқаро таржимонлар турли давлатларда инглиз, немис ва бошқа тилларда равон таржима қилиш анъанасини йўлга қўядилар. Университетда яна бир хайрли ишга қўл урилди. Бу ерда «Ёш журналист» клубининг ташкил этилиши ҳам ўзига хос воқеа бўлди. 50 нафар талабалар танлов асосида клуб аъзолигига қабул қилинди. Улар «Талабалар ҳаётидан лавҳалар» деб номланган ҳафталикни нашр этиш устида иш олиб борадилар.

Дурдона ХЎЖАЕВА

Ўзбекистон ёшлари Голландияда

Владимир ПАНОВ олган суратлар

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

Республикада жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришда алоҳида ўрнак кўрсатган ходимларни мукофотлаш тўғрисида

Республикада жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш, спорт соҳасида Ўзбекистоннинг шон-шуҳрати ва шарафини юксалтиришга қўшган салмоқли ҳиссаси ҳамда маънавий, жисмоний жиҳатдан соғлом ёш авлодни камол топтириш ва юқори маҳоратга эга бўлган спортчиларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашдаги хизматлари учун қуйидагилар мукофотлансин:

2-даражали «Соғлом авлод учун» ордени билан

Абдумовлянов Абдумўмин Абдиқаҳорович — Бекобод шаҳар каратэ миллий Федерацияси президенти

«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спорт устози» фахрий унвони билан:

Нафасов Нурхон Зиятович — Ўзбекистон Республикаси каратэ миллий Федерацияси президенти

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
1999 йил 9 август.

Маънавият ва маърифат — миллат негизи

Маълумки, шу йил июль ойининг бошларида республика Маънавият ва маърифат Кенгаши Ташаббус гуруҳининг мажлиси бўлиб ўтганди. Ушбу мажлис иштирокчилари қабул қилган қарорга кўра, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, шаҳарлар ва туманларда Кенгашнинг бўлимларини ташкил этиш бўйича Ташаббус гуруҳларининг йиғилишлари ўтказилиб, Республика Кенгаши таъсис конференциясига делегатлар сайланди.

Куни кеча эса Тошкентда республика Маънавият ва маърифат Кенгашининг таъсис конференцияси бўлиб ўтди. Унда вилоятлардан сайланган делегатлар, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари, маънавий-маърифий тарғибот, тарбия йўналишларида фаолият кўрсатаётган вазирликлар, қўмита ва компаниялар, идоралар, жамоат ташкилотлари, ижодий уюшмалар раҳбарлари, фан ва маданият арбоблари, уламолар иштирок этди.

Ўзбекистон Бош вазири ўринбосари, республика Маънавият ва маърифат Кенгашини тузиш бўйича Ташкилий гуруҳ раҳбари Ҳ. Кароматов конференцияни очар экан, халқимиз маънавияти ва маърифатини юксалтириш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналиши эканлигини, бу жараёнга маҳаллий ҳокимият идоралари, ижодкорлар, олимларни янада кенгроқ жалб этиш лозимлигини, умуман, бу борадаги ишларни янги босқичга кўтариш зарурлигини таъкидлади. Республика Маънавият ва маърифат Кенгашини тузиш зарурати ҳам айнан шундан келиб чиқади.

Конференцияда сўзга чиққан ёзувчилар Саид Аҳмад, А. Орипов, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Диний ишлар қўмитаси раиси Ф. Собиров, Жиззах вилояти ҳокими Ш. Мирзиёев, «Миллий тикланиш» газетаси бош муҳаррири И. Ғофуров ва бошқалар Кенгашнинг мақсад ва вазифалари, фаолият дастури хусусида батафсил гапирдилар.

Анжуманда таъкидланганидек, республика Маънавият ва маърифат Кенгаши жамиятимиз барча аъзолари, айниқса, ёшлар ўртасида миллий ғоя ва миллий мафкурага таянган ҳолда, миллий ва умумбашарий қадриятларга асосланган демократик тамойилларни қарор топтириш орқали инсонни улуғлашга, жисмонан соғлом, дунёқараши теран фуқароларни камол топтиришга йўналтирилган ишларни амалга оширади. Кенгаш мамлакат аҳлини истиқлол ғояларига садоқат, она заминга меҳр-муҳаббат, озод ва обод Ватан қуришдек улуғ ва олижаноб мақсадга эътиқод, жасурлик ва фидойилик руҳида тарбиялашга мўлжалланган тарғибот-ташвиқот ишларининг асосий йўналишларини белгилайди ва амалга оширади. Бу режаларни рўёбга чиқариш учун Кенгаш қарорларини жойларда амалга ошириш ва тарғибот-ташвиқот тадбирларини уюштирувчи ташкилий гуруҳ — «Маънавият ва маърифат» маркази фаолият олиб боради.

Конференцияда республика Маънавият ва маърифат Кенгашининг фаолият Дастури ва Низоми қабул қилинди.

Республика Маънавият ва маърифат Кенгаши раиси этиб Бош вазир ўринбосари Ҳ. Кароматов, Кенгаш раиси ўринбосарлари этиб Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчилари А. Зиё, Н. Жўраев сайланди. Кенгашнинг масъул котиби — «Маънавият ва маърифат» маркази раҳбари этиб Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги Бош директори вазифасида ишлаб келаётган А. Болиев сайланди.

Анжуманда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Т. Алимов сўзга чиқди.

(ЎзА)

Хонободда ёр-ёр янгради

Сўлим Хонобод шаҳрининг Мадраҳимов маҳалласида яшовчи Мухторжон Раҳимов хонадонида бошланган тўй истиқлол шодиёнасига айланди. Мухторжон ака ва Азизахон аянинг тўнғич фарзанди Маъмуржон билан Комилжон ака Исоқов, Сапурахон ая Рустамованинг қизи — Маъмурахоннинг никоҳ тўйи кўпчилик ёдида қоладиган тантана бўлди.

... Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов Америкада бўлган чоғларида бу давлатдаги таниқли университетларда ўқиётган ўзбекистонлик ёшлар билан учрашиши, дилдан суҳбатлашиши оталарча эътибор намунасидир. Юртбошимиз ўшанда ўзбекона удумга кўра йигит-қизларнинг тўйларига боришни айтгандилар. Юртбошимиз билан бўлган учрашувда қатнашган ёшлар қаторида Атланта шаҳридаги Эмори университетида ўқиётган хонободлик Маъмуржон Раҳимов ҳам бор эди. Маъмуржон насиб этса 1999 йил пишиқчилигида никоҳ тўйига Президентимизни таклиф этишни ният қилганди.

Яхши ният — инсон умиди. Эмори университетини муваффақиятли битириб қайтган Маъмуржон Раҳимов юртимизда ўзига муносиб умр йўлдоши топди. Андижон тиллар педагогика институтини тамомлаган инглиз тили мутахассиси лобар қиз Маъмурахонга кўнгил қўйди. Ёшлар аҳдига ота-оналар рози бўлишди. Тўй куни белгиланди. Маъмуржон ёр-дўстлари, қадрдонлари, устозлари қатори юртбошимиз Ислом Каримовни ҳам тўйга таклиф этиб мактуб ёзди.

Тўй — инсон ҳаётининг энг қувончли онлари. Ёш йигит-қизларнинг бахт висоли — ўзбекона меҳмондўстлик тимсоли. Миллий урф-одатлар, анъаналар боқийлиги-ю давомийлигининг ҳаётийлиги намунаси. Маъмуржон ва Маъмурахонларнинг тўй оқшомига ташриф буюрган Президент девони Ахборот, тарғибот-таҳлил маркази раҳбари Саъдулла Ҳакимов икки ёшга бахт-саодат тилаб, юртбошимизнинг қимматбаҳо совғасини топширди. Андижон вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари Машариф Юсупов, Хонобод шаҳар ҳокими Мақсум Мусаев, Тошкент давлат техника университети ректори, академик Тўлқин Миркомилов ва бошқалар келин-куёвни табриклаб эзгу тилаклар изҳор этишди.

— Юртбошимизнинг мен сингари ёшларга оталарча ғамхўрлигидан жуда хурсандман, — деди Маъмуржон Раҳимов. — Хорижда билим олишимга шароит яратилганлиги орзу ниятларим рўёбга чиқишининг омили бўлди. Қувончли кунларимизда юртбошимизнинг табрик совғалари кўнглимизни шодлантирди. Президентимизнинг ишончини оқлашга ҳаракат қиламан.

Истиқлол туфайли тўй байрамга, байрам тўйга уланяпти. Ёшлар қалбида Ўзбекистондек ватанга фидойилик жўш уряпти. Юртимизнинг ҳар бир хонадонида ёр-ёрлар баралла янграб, кўнгиллар қувонча тўлаверсин.

Аҳмадилло СОЛИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Озодлик осмон қадар...

Замондош! Қара, XXI асрга ёруғ юз билан кириб бораяпмиз. Илоҳо, ёмон кўздан асрасин. Ахир, замондош, тарихга бир назар сол, ўз эркини, Ватан мустақиллигини, миллат озодлигини қўлга киритиш учун 30-50 йиллаб курашган халқлар бор. Озодлик йўлида вайрона, култепага айланган азим шаҳарлар бор. Замондош, биз Ўзбекмиз дея ҳайқирсак арзийди бугун. Бир забардаст халқимиз бор, уни тўғри йўлга бошловчи йўлбошчимиз бор. Заминдан самога юксалтиргувчи она тупроғимиз бор. Илоҳо ёмон кўздан асраса йўлимиз ёруғ бўлгуси.

Элмурод Эшбобоев — Яккабоғ тумани, А. Абдураззоқов жамоа хўжалиги раиси:

— Ўзбекистоннинг дунё миқёсида обрўга, эътиборга эришаётганини кўриб дилинг яйрайди. Яқиндагина бўлиб ўтган «6+2» йиғинини олайлик, унда қатнашган давлатларнинг тилида ҳам, дилида ҳам битта гап: тинчлик, осойишталик. Нега Афғон бунга эришаолмаяпти? Шунинг учун ҳам аввало биз осойишталигимиз қадрига етайлик.

Мустақиллик бизга ўзлигимизни англатди. Энди қанча меҳнат қилсак, аввало ўзимиз учун, қолаверса Ватанимиз, халқимиз учун куч сарфлаймиз. Меҳнат қанчалик оғир бўлмасин, дилингга эзгулик солар экан, ундан роҳатланасан, жисмингга ҳаловат инади.

Зокир Бердиев — Республика «Камелот» жамғармаси Қибрай тумани бўлими раиси:

— Мустақилликка эришганимизга саккиз йил тўлаяпти, ўтган қисқа даврда эришган ютуқларимиз эса фақат бизни эмас, бутун Ер юзини ҳайратлантириб турибди. Автомобилсозлик, нефть ишлаб чиқариш, газкимё саноати... айтаверсанг тугамайди. Агар озодликка чиқмаганимизда шунча ютуққа эришармидик? Фуқароларимиз дунёнинг исталган жойига бориб келишяпти. Юрт кўряпти, эл танияпти.

Фикр — ақлни чархлайди. Биз фикрлай бошладик. Нигоҳларимиз теранлашаяпти. Гул тикансиз бўлмаганидек, йўлимизда учраётган баъзи хасларни чеккага супуриб ташлаяпмиз. Демак, дўст билан душманни, оқ билан қорани ажрата бошладик. Бу менинг, сенинг ютуғинг.

Мўътабар Тожибоева — Фарғона вилояти, тадбиркор:

— Мен юртбошимиздан жуда миннатдорман, тадбиркорликка алоҳида эътибор қаратаяптилар. Одамларимизни меҳнатга, манфаатдорликка ўргатаяптилар. Қуйи раҳбарият тизимида ҳам хусусий мулкка янгича назар уйғонди. Чет эллик ишбилармонлар билан ҳамкорлик қилиш, четга товар чиқариш мустақилликнинг таянч нуқтаси эканлигини ҳамма англаб етаяпти. Бу мамлакатимизнинг тез кунларда ривожланган давлатлар қаторидан жой олишига имкон яратади.

Замондош, бу тупроқ азиз ва муқаддас! Бу тупроқ ҳавосидан нафас олган, руҳига қувват олган борки, унинг ажралмас бўлагига айланади. Мен яратиш, замонавий илмнинг илғор ютуқларига эришиш ўзбекка хос одат десам янглишмайман. Шу пайтгача бизга имкон яратилмади. Тадқиқотларимиз жомадонларда чанг босиб ётди. Лекин миллат кўксидаги туйғу, эркка интилиш сўнмади. Озод бўлдик. Ютуқларимизни дунёга олиб чиқишга имкон яратилди. Дунё билан бўйлашаяпмиз. Ҳар қалай ўз айтар сўзимиз, жой олар ўрнимиз бор.

«Ўзбекистон овози» мухбири Юсуф ЖЎРАЕВ ёзиб олди.

Бу дунёнинг ишлари

Бош вазир истеъфога чиқарилди

Кеча, 9 август куни эрталаб Россия ҳукуматининг раиси Сергей Степашин Президент Борис Ельцин ҳузурида бўлди. Президент унга яхши хизмати учун миннатдорчилик билдирди ва истеъфога чиқарди. Бу ҳақда собиқ бош вазир кеча Россия ҳукумати президиумининг мажлисида хабар қилди. Сергей Степашин шундай деди: «Бунга унинг ҳаққи бор, чунки у Президент, Олий бош қўмондон. Мен бор эдим, ҳозир ҳам борман ва охиригача у билан бирга бўламан. Мен бу кишидан чин юракдан миннатдорман. У мени ёш йигитлик чоғимдан ўстириб, тарбиялади ва катта сиёсат майдонига олиб чиқди. Ҳозирги пайтда ҳукумат раиси вазифасини бажариб турган Федерал хавфсизлик хизмати раҳбари Владимир Путин эса тажрибали ва бу вазифага муносиб инсондир. Мен унга фақат муваффақият тилайман».

Ҳукумат президиумининг мажлисида Сергей Степашин ўтган уч ой ичида вазирлар маҳкамаси самарали ишлаганлигини таъкидлади. У раҳбарлигидаги ҳукумат мамлакатдаги вазиятни қўлда ушлаб турди. Рублнинг қадри тушмади. Сергей Степашин бугунги кун ҳақида гапира туриб, бугунги кунда биз учун энг муҳими ҳаммамиз Конституцион ҳуқуқий майдонда ҳаракат қилишимиз керак, деди.

(РИА «Новости»)

Катта жанжалнинг олди олинди

Беринг қўлтиғи сувларида Россия ва Америка чегара хизматларининг вакиллари катта жанжалнинг олдини олишга муваффақ бўлди. АҚШ қирғоқни қўриқлаш катерлари «Ҳисор» деб номланган денгиз траулерини кўриб қолдилар. Бу траулер америкаликларнинг фикрича уларнинг иқтисодий ҳудудига кириб қолган эмиш. Шу боис қирғоқни қўриқлаш хизмати Россиянинг ушбу кичик кемасини қўлга туширишга ҳаракат қилди. Қирғоқни қўриқлаш хизматининг «Гамильтон» кемаси траулерга яқинлашган пайтда худди денгиз жангига тайёргарликни эслатар эди. Шу ерда Россиянинг бир неча кемаси етиб келиб шу атрофда хавф солиб айланарди. «Ҳисор»нинг капитани рация орқали америкаликларни огоҳлантириб бизга ҳужум қилсангиз учинчи жаҳон уруши бошланиб кетиши мумкин, деди. Узоқ вақт музокара олиб борилгандан сўнг АҚШ қирғоқни қўриқлаш хизмати кемани Россия чегарачиларига қайтариб беришга рози бўлди. Жанжалнинг олди олинди. Лекин «Ҳисор» балиқчи кемаси вазиятни аниқлаш учун Владивостокка жўнатилди.

(НТВ)

Француз аскари ярадор бўлди

Халқаро тинчликни сақлаш кучлари вакили бўлмиш француз аскари ярадор бўлди. Косоволик бир албан эса қамоққа олинди. Юзга яқин косоволик албанлар франциялик тинчликни сақлаш кучларига қарши кураш бошлаб юборганди. Улар албанларни шаҳарнинг серблар яшайдиган қисмига ўтказиб юборишмаган эди. Француз тинчликни сақловчи кучларининг вакили косоволик экстремистларни айблади. Косовони озод этиш армиясининг раҳбари Ҳошим Точи эса Подуево шаҳридаги митингда сўзга чиқиб тинчликни сақловчи кучларни косоволик албанларнинг иттифоқчилари деб атади.

(«Озодлик» радиоси)

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 1999 йил 10 августдан бошлаб ҳисоб ва божхона тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади*

1 Австралия доллари	86,13	10 Люксембург франки	35,09
1 Австрия шиллинги	10,29	1 Малайзия рингги	34,67
1 Англия фунт стерлинги	212,73	1 Германия маркаси	72,38
10 Бельгия франки	35,09	1 Польша злотийси	33,36
1 Голландия гульдени	64,24	1 СДР	180,39
10 Греция драхмаси	4,34	1000 Туркия лираси	0,31
1 Дания кронаси	19,03	1 Финляндия маркаси	23,81
1 БАА дирхами	35,87	1 Франция франки	21,58
1 АҚШ доллари	131,73	1 Швейцария франки	88,43
1 Миср фунти	38,45	1 ЕВРО	141,56
10 Испания песети	8,51	10 Жанубий Корея вони	1,10
100 Италия лираси	7,31	10 Япония иенаси	11,50
1 Канада доллари	87,92	1 Россия рубли	5,37
1 Хитой юани	15,91	1 Украина гривнаси	29,57

***)Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.**

Дақиқалар гавҳарга тенг замон бу...

Бир гуруҳ Олий Мажлис депутатларининг Жиззах вилояти меҳнаткашлари билан учрашувларидан лавҳалар

Вақт — елдирим. Кунлар шитоб билан ўтиб бораяпти. Ўтаётган ҳар бир кун бизни XXI асрга яқинлаштирмоқда. Бутун мамлакат сингари жиззахликлар ҳам янги аср бўсағасида туриб Ватанимиз мустақиллигининг муборак саккиз йиллик байрамини муносиб кутиб олиш мақсадида астойдил меҳнат қилмоқдалар.

Бу йил вилоят тарихида биринчи марта давлатга 246 минг тоннадан ортиқ ғалла етказиб берилди. Айни пайтда белоён пахта далаларида мўл ҳосил етиштирилмоқда. Вилоятда ҳар бир фуқаро учун муносиб ҳаёт тарзи яратиш бўйича катта ишлар қилинаётир. Барпо этилаётган бири биридан гўзал, кўриб ҳавас қилгулик маданий-маиший объектлар, турли жабҳаларда ислоҳотларни чуқурлаштириш борасида ташланаётган дадил қадамларда жиззахликларга хос бўлган ўзгача ғайрат-шижоат, ўктамлик, фидойилик, эртанги кунга бўлган қатъий ишончни сезиш қийин эмас. Бу ҳол Парламентимиз котибияти раҳбари Омон Ҳамидович Олимжонов, фан, таълим ва спорт қўмитаси раиси ўринбосари Примқул Қодиров, «Ўзбекистон овози» - «Голос Узбекистана» газеталари Бош муҳаррири Азим Суюн, «Ҳуррият» газетаси Бош муҳаррири Хуршид Дўстмуҳаммад, Олий Мажлис Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раисининг ўринбосари Фарруха Муҳиддинова, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш қўмитаси раисининг ўринбосари Мўътабар Содиқовалардан иборат бир гуруҳ Олий Мажлис депутатларининг вилоят хўжаликлари, корхона ва ташкилотларида ишчи-хизматчилар, фуқаролар, зиёлилар, ёшлар билан учрашувлари чоғида яққол намоён бўлди. Бир пайтлар мажлислар заллари, маданият саройлари, кинотеатрларда юзлаб, минглаб одамларни мажбуран тўплаб, зўрма-зўраки, номига ташкил қилинадиган учрашувлар, йиғинлардан фарқли ўлароқ бевосита пахта далаларида, цехлар, мактаблар ва маҳаллаларда ўтган бундай норасмий, самимий мулоқотларда турли ёшдаги ва турли касб-ҳунарли фуқаролар ўзларининг дилидаги фикрларини, ҳис-туйғуларини, ўй-кечинмаларини рўй-рост, очиқ-ойдин изҳор қилдилар.

Учрашувлар Дўстлик туманидаги Аҳмад Қулбеков номли ижара ширкатлар бирлашмаси ҳудудидаги «Шодлик» мустақил фермер хўжалиги пахтазорларида ишлаётган деҳқонларнинг кайфиятлари аъло эканлиги уларнинг юз-кўзларида, ҳазил-мутойибаларида зоҳир эди. Хўжалик раҳбари Ботир Абдиевнинг сўзларига қараганда, бу йил жамоа ҳар гектар пахта майдонидан 40 центнердан сара ҳосил кўтаришни кўзлаб меҳнат қилаяпти.

«Манас»да асосан қирғиз миллати вакиллари истиқомат қилишади. Мулоқот чоғида 73 ёшли Лапас ота Хўрозов ҳамқишлоқлари дилидаги сўзларни шундай ифодалади:

— Қишлоғимиздаги хонадонларда беминнат дастёр — газ гуриллаб ёниб турибди, водопровод суви бор. Каму кўстимиз йўқ. Ҳеч ким сен қирғизсан, сен ўзбексан, деб ажратмайди. Динимиз, ота-боболаримиздан мерос қолган азалий урф-одатларимиз қайтиб келди. Меҳнат қилиб, унинг ҳузур-ҳаловатини кўрадиган, зўр ишлаб, бекдай яшайдиган замон келди. Бунинг учун бошимизда соябон бўлиб турган, элим деб, юртим деб куну тун тиним билмаётган раҳбаримиз Ислом Каримовга халқимиз номидан катта раҳматлар айтамиз. Иложи бўлса, шу гапларимизни у кишининг ўзларига етказишларингизни сўраймиз.

Дўстлик шаҳридаги «Наврўз» маҳалла гузаридаги учрашув, айниқса эсда қоларли ўтди. Шаҳардаги Ю. Гагарин номли 14-ўрта мактаб муаллимаси Эдигул Элова, меҳнат фахрийси Тошниёз бобо Жўраевлар Олий Мажлис депутатларига Мустақиллик байрами арафасида маҳаллада, шаҳарда, туманда олиб борилаётган ибратли ишлар тўғрисида сўзлаб бердилар, Шундан сўнг гапнинг нишаби ўз-ўзидан ёшлар тарбияси томон бурилди. Бу масалада ота-она, мактаб, маҳалла ҳамкорлигини яхшилаш, фарзандларимизнинг бегоналар таъсирига тушиб қолмаслиги, уларнинг жисмонан соғлом, ақлан баркамол бўлиб вояга етишлари кераклиги тўғрисида фикр-мулоҳазалар билдирилди.

— Айрим ота-оналарга ҳайронсан, — деди ўз сўзида муаллима Эдигул Элова, — фарзанди ҳафталаб, ойлаб уйида бўлмасаям иши йўқ: изламайдиям, сўраб-суриштирмайдиям. Бундай лоқайдлик, бепарволик, масъулиятсизликни ҳеч нарса билан оқлаб бўлмайди. Ахир фарзанд сизникими, эгалик қилингда: тарбия беринг, терганг, касб-ҳунарли қилинг, ёмон йўлга кириб кетса — қайтаринг. Эрта бир кун ўғлингиз ёки қизингиз яхши инсон, қобил ва комил фарзанд бўлиб етишса фойдасиям, раҳматиям аввало сизга тегадику. Аксинча бўлишидан Яратганнинг ўзи, қолаверса сиз билан биз асрайлик уларни.

Бу ердаги учрашув ўз-ўзидан, табиий равишда ошкора мулоқот тусини олди. Гузар ёнидаги кўчадан ўтиб-қайтаётган кишилар ҳам келиб қўшилаверди. Одамлар Президентимиз раҳбарлигида мамлакатимизда олиб борилаётган ички ва ташқи сиёсат моҳияти, мустақиллик йилларида юз берган буюк, қадри юз йилларга етгулик ўзгаришлар ҳақида гапирдилар, маънавиятни юксалтириш, мафкуравий ишлар самарадорлигини ошириш масалаларига алоҳида эътибор бердилар.

Сўнгра Олий Мажлис депутатлари Қозоғистон Республикасига чегарадош бўлган Мирзачўл туманидаги «Мирзачўл» хўжалигига қарашли Анорбой Бойжигитов бошлиқ звено пахтазорларини оралаб кўрдилар. Бўлиқ ва ҳосилдор ғўзалар кўзни қувонтирарди. 38 гектар майдонда деҳқончилик қилаётган жамоа аъзолари билан дала шийпонида ўтган гурунгда қишлоқда ислоҳотларни чуқурлаштириш, деҳқонларда ерга эгалик қилиш ҳиссини тарбиялаш, хўжалик юритишни такомиллаштириш билан боғлиқ фикрлар ўртага ташланди.

Меҳмонларни туман марказидаги «Ержар» қозоқ маҳалла гузарида гуллар билан кутиб олдилар. Оқсоқоллар, ёшлар, маҳалла фуқаролари депутатлар билан худди эски танишлардай, бамисоли ога-инилардай тез тил топишиб кетишди.

— Туманимизда 33 миллат ва элатга мансуб 50 минг нафар аҳоли истиқомат қилади, — дея сўз бошлади фахрийларни қўллаб-қувватлаш «Нуроний» жамғармаси туман бўлими раиси Абдуғани Абдиров. — Туман маркази Гагарин шаҳрида ҳозир кўриб турганингиздай 4 та гузар қурилган. Уларни кишиларнинг севимли жойига, чинакам маданият ва маърифат масканларига айлантиришга ҳаракат қиляпмиз. Ҳар бирида маҳалла фуқаролар йиғини ҳамда ички хизмат участка вакили учун офис, мўъжаз бозорча, дорихона, дўкон, сартарошхона, тикиш-бичиш цехи, пойабзал таъмирлаш устахонаси сингари ўнлаб маданий-маиший хизмат шаҳобчалари бор.

Мулоқот чоғида меҳмонларнинг Ватан, халқ манфаатларининг дахлсизлиги, адолат ва диёнатнинг муқаддаслиги, асрлар синовидан миллий урф-одатларимиз ва анъаналаримизнинг умрбоқийлиги, маънавиятимизни юксалтириш, ёшларимизни комил инсонлар қилиб ўстиришда китобнинг аҳамияти ҳақидаги қалб сўзлари, меҳнат фахрийси Ризали Рисалиев, туман хотин-қизлар қўмитаси раисаси Мария Сафанова, туман ҳокими Ҳолиқул Эргашевларнинг фикрлари кўпчиликни ҳаяжонга солди.

Жиззах туманидаги «Самарқанд қудуқ» ижара ширкатлар бирлашмасига қарашли Исроил технологияси асосида пахта етиштирилаётган майдонда қилинаётган ажойиб ва ғаройиб ишлар Олий Мажлис депутатларига ғоят маъқул бўлди. Резина қувурлар орқали томчилатиб суғорилаётган ва шу қувурлар билан озиқлантирилаётган 100 гектар пахта даласидаги ишларни биргина оператор йигит Шавкат Абдураззоқов бир қарашда мураккабдай бўлиб туюладиган техника - компьютерлар ёрдамида бошқариб турибди. Сув танқислиги йилдан йилга ортиб бораётган, ҳар литр сув, ҳар грамм ўғитни тежаш зарурати кучайиши кутилаётган бугунги шароитда бундай технологияни ўрганиш, уни кўпайтиришнинг аҳамиятини изоҳлашнинг ҳожати бўлмаса керак. Айтиш мумкинки, бундай усулда пахта етиштириш узоқни кўзлаб қилинаётган оқилона сиёсат мевасидир.

Охунбобоев қишлоқ фуқаролар йиғинига қарашли «Жиззахлик» маҳалласида ҳам бир самимий учрашув, бир дилкаш суҳбат бўлди десангиз ундан кўнгиллар бирам яйрайди, асти қўяверасиз. Қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Дилбар Саидова, Меҳнат Қаҳрамони ҳурматли онахонимиз Умри Орифжонова, оқсоқоллардан Назар бобо Имомназаров, Олий Мажлис депутатларининг сўзларидан, хотираларидан, қиқояларидан кўп диллар маънан озиқланди. Маҳалла гузарида китоблар ва газета-журналлар дўкони очиш ҳақидаги таклиф ҳам худди шу ерда айтилди. Жиззах фарзандлари Шароф Рашидов, Ҳамид Олимжон, Ҳамроқул ота Носиров ҳаёти ва фаолияти билан боғлиқ эзгу хотиралар эсланди. Пировардида муҳтарам Президент раҳбарлигида мамлакатимизда олиб борилаётган халқпарвар сиёсатни қўллаб-қувватлаш тўғрисида фикрлар билдирилди.

— Биз — жиззахликлар Ислом Каримовдан бошқа жасур, юртпарвар, узоқни кўра биладиган доно юртбошини кўрмаяпмиз, — деди мўътабар онахон Умри Орифжонова. — Биз тақдиримизни Ислом Каримов ўтказаётган изчил сиёсат билан боғлаганмиз. Ўзбекистонни нечанеча йиллик истибдод гирдобидан олиб чиққан, ҳеч кимнинг бурнини ҳам қонатмасдан ўтиш даври тала-тўпларидан эсон-омон олиб ўтаётган бу инсоннинг бошлаган буюк ишлари, эзгу режаларини ўзлари охирига етказишларини хоҳлаймиз. Бунинг учун эса у кишига вақт керак.

Учрашув манзили тоғли Бахмал туманидаги «Қўшчинор» қишлоқ хўжалиги ширкат бирлашмасига, аниқроғи бирлашма маркази бўлган Муғол қишлоғига кўчди. Бу ерда Олий Мажлис депутатларига бирлашма раҳбари Ҳамза Аширқулов бу йил ҳар гектар ғаллазордан 40 центнердан дон ўриб-йиғиб олинганлиги, биринчи марта давлатга 2000 тоннадан ортиқ сара дон етказиб берилганлиги, мавжуд 630 бош қорамол ҳисобидан 300 тонна сут, 30 тонна гўшт ишлаб чиқарилганлиги, ҳамма хонадон табиий газ, тоза ичимлик суви билан таъминланганлиги, аҳолининг кам таъминланган табақаларини ижтимоий ҳимоялаш чора-тадбирлари кўрилаётганлиги, одамларнинг кайфияти яхши эканлиги ҳақида сўзлаб берди. Осмонўпар тоғлар оралаб ўтган катта йўл бўйида бўлган суҳбат чоғида уй бекаси Зиёда Омонқулова тўлиб-тошиб бундай деди:

— Қишлоғимизда 170 дан зиёд оила бўлиб, 1500 дан кўпроқ киши яшайди. Ҳар бир оилада ўртача 5-6 тадан фарзанд бор. Қишлоғимизнинг барча аёллари, ҳамма оналар номидан мамлакатимизда тинчлик ва осойишталикни таъминлаб бераётган Президентимизга раҳматимизни шахсан етказишларингизни илтимос қиламан.

Меҳнат фахрийси Очилҳожи Эргашев, фуқаролардан Олломберди Холмуродов, Султонхон Яҳёевлар ҳам ўз сўзларида ҳамқишлоқлари Зиёда Омонқуловонинг фикрини қўллаб-қувватлашларини изҳор қилдилар.

— Оллоҳга шукрлар бўлсинки, юртимизда фаровонлик, тўқчилик, ҳеч ким оч наҳор қолаётгани йўқ. Афсуски, оч йўқ бўлгани билан орамизда очкўзлар бор. Бойликка ҳирс қўйган, тўқликка шўхлик қилаётган, бурнининг тагидан нарини кўролмайдиган, маънавий қашшоқ бундай кимсалар ўзларининг инсонга хос бўлмаган қилмишлари учун бу дунёда жазодан бир амаллаб қочиб қутилганлари билан охиратнинг азобига албатта, дучор бўлишларини эсдан чиқармасликлари керак, — деди Очилҳожи Эргашев куйиб-ёниб. — Ҳаммамиз юртбошимиздан ибрат олайлик. У кишига хос бўлган самимийлик, камтарлик, маърифатпарварлик, очиққўнгиллилик, саховатпешалик, ҳалоллик ва тўғрилик, фидойилик ва меҳнатсеварлик барчамизга ибрат бўлишини истардим.

Вилоятда, шу жумладан Бахмал туманида хорижий инвесторлар билан ишлаш, чет эллик ишбилармонлар билан ҳамкорликда қўшма корхоналар очиш масалаларига ҳам алоҳида аҳамият берилмоқда. Меҳмонлар тумандаги «Бахмал шароб» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти фаолияти билан танишганларида шунга амин бўлдилар. Польшанинг «Марколь» фирмаси технологияси бўйича Мустақилликнинг етти йиллиги куни ишга туширилган мазкур корхонада 115 киши меҳнат қилаяпти. Соатига 1500 дона бир ярим литр сиғимдаги пластмасса идишларда Бахмал маъданли суви, қулупнайли ҳамда апельсинли ширинликлар, ҳар ойда 7000 декалитр арақ, шунча вино ишлаб чиқараётган жамоа аъзоларининг унумли ишлашлари, кўнгилли дам олишлари учун зарур шарт-шароитлар яратилган. Корхонанинг қишлоқ инфратузилмасини ривожлантиришдаги ўрни ҳам сезиларли бўлмоқда. Меҳнат жамоаси ва қишлоқ фуқаролари билан бўлган учрашувда айни шулар тилга олинди.

Шундан сўнг меҳмонлар Жиззах шаҳридаги Абдували Охунбобоев номли 6-умумтаълим мактабини бориб кўрдилар. Бу ерда «Таълим тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»ни амалга ошириш бўйича қилинаётган ибратли ишлар уларни қувонтирди. Муаллим ва муаллималарнинг ёш авлод тарбияси, уларга касб-ҳунар ўргатиш, билим бериш юзасидан айтган фикрлари, таклиф ва мулоҳазалари эшитилди.

— Муҳтарам юртбошимизнинг бир гаплари бор: «Фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта бахтли бўлишлари шарт!» Бу гап биз — ўқитувчилар ва тарбиячилар зиммасига жуда катта масъулият юклайди. 2000 нафардан зиёд ўқувчига тўлиқ миллий руҳда таълим-тарбия бериш йўлидан бораётган катта ва аҳил жамоамиз ана шу масъулиятни ҳар кун, ҳар соат сезиб, билиб фаолият кўрсатмоқда. Ҳар ишда бизга шаҳар ҳамда вилоят ҳокимликлари амалий ёрдам кўрсатаяпти.

Мактаб директори Ўткир Маҳмудовнинг сўзларини муаллима Матлуба Орифжонова ва бошқалар мантиқан давом эттирдилар. Касб-ҳунар коллежлари, академик лицейлар қурилиши, бу борада вилоятда қилинаётган ишлар, яқин беш йиллик режалари ҳақида вилоят ҳокими Шавкат Мирзиёев сўзлаб берди:

— Шу йилнинг ўзида коллеж ва лицейлар қурилиши учун вилоятда 34 миллион сўм маблағ ажратилди. 2005 йилга қадар вилоятимиз бўйича 27 та касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейлар қурилади. Насиб этса, яқин йиллар ичида ҳар бир синфда худди Америкадаги каби 10-15 нафардан бола ўқийдиган кунлар келади.

Олий Мажлис депутатлари икки кун ичида вилоятнинг барча туманларида бўлишди. Амалга оширилаётган бунёдкорлик ва ободончилик ишлари билан танишдилар. Жиззахликларнинг дақиқалар гавҳарга тенг бўлган айни кунларнинг ҳар соатидан унумли фойдаланиб қолишга ҳаракат қилаётганликларининг гувоҳи бўлдилар. Уларнинг ҳеч нарса осмондан тушмаслиги, бахтимизнинг нақадар улуғ, турмушимизнинг нечоғли фаровон бўлиши аввало ўзимизга боғлиқ эканлигини, кимки буни ҳис этмасдан ғафлатда қолса ютқазиши, ютқазганда ҳам бундай моддий ҳамда маънавий йўқотишнинг ўрнини ҳеч нарса билан тўлдириб бўлмаслигини англаб етганликларига ишонч ҳосил қилдилар.

Иброҳим ЖОНУЗОҚОВ,
«Ўзбекистон овози»
мухбири

1999 йил — Аёллар йили

Онамсиз, синглимсиз, қизимсиз...

Тошкент шаҳридаги 2-туғуруқхонадан репортаж

Тун. Тўртинчи қават деразаси. Ланг очиқ. Реанимация хонаси. Ичкарида жуфти ҳалолингиз ажал билан курашаяпти. Тош қотгансиз. Карахтликдан ҳатто нималар бўлаётганини тасаввур қилишга ожизсиз. Лабларингиз пичирлайди — Ла илаҳа иллаллоҳ! Юз бор.... минг бор. Шу калима таскин.

Уйда... учта норасида гўдагиниз уйқуда. Улар илк бор онасиз ухламоқда. Эй худо, уларнинг раҳмини е!.. Хонавайрон қилма бизни.

Бир соат ... Икки соат... Уч соат.. Тўрт...соат. Тонг ёришаяпти, чоғи. Томирингиздаги қон совуб, музлаб бораётгандай... Шу дамда... шу дамда ҳамма нарсага тайёрсиз. Севимли аёлингиз, уч фарзандингизнинг меҳрибон онаси учун жонингизни беришга розисиз. Буни фақат бошидан ўтказганлар билади.

Дарвоза ланг очилади. Оппоқ либосли ҳамшира шошиб чиқади-да, нариги бинога югуриб кетади. Зум ўтмай қўлида бир халта дори-дармон кўтариб чиқади. Яна чопқиллаб ичкарига киради. Кейин атрофга назар ташлай бошлайсиз. Ҳамма дўхтирлар, ҳамширалар, доялар оппоқ уст-бошда. ... Ҳаммаси югураяпти. Барчаси шошади. Шунда англайсиз — булар тириклик элчилари. Булар ухлашмаскан. Энди сезаяпсиз, буларга қийин. Кичкина жуссасига тоғни — инсон ҳаётини ортмалаб олган манови оппоққина ҳамшира қиз қабулхона ўриндиғида ўтириб дама-дам телефон қўнғироғига жавоб бераяпти. У ҳам мижжа қоқмайди.

— Оғир касал бор! Ҳамма тепада. Операция кетаяпти... ҳозир.

— У киши реанимацияда. Операция бўлаяпти.

— Оғир касалимиз бор. Телефонга тушолмайдилар.

— Эшитаман, Равшан Тўлаганович! Зуҳра Носировна операциядалар. Ярим соатдан кейин тушадилар. Айтиб қўяман, Равшан Тўлаганович!

Барча-барча зўр врачлар шу аёл тақдири учун қайғураяпти. Демак, бир сиз бедор эмас. Жамики яхшилар, яхшидиллар Сизга ҳамдард. Демак, Инсон қисмати, ўлим жари ёқасидаги бемор келажаги учун ўз ишининг фийдойилари оёққа қалққан. Бу меҳрибонлик, бу инсонийлик... яна нима дейиш мумкин, бошқа таъриф йўқ.

Ярим соат ярим йилга чўзилади.

Қабулхонага кирасиз. Қалтирайсиз. Тун бўйи тик турган оёқларингиз бўшашиб кетади.

Бош врач Зуҳра Нажимовага рўпара келасиз. Илтижо билан боққан кўзларингизга ўткир нигоҳлар қадалади.

— Опа, нима гап, опа?

— Қон босими баланд... Танасида шиш бор. Буйраги ҳам яхши эмас... Худо денг... Ўзингизни қўлга олинг.

Шу зайлда пешингача реанимация хонасига термуласиз. Ҳар сонияда ўз беморидан хабардор бўлаётган шифокорларни кўриб турасиз. Улар ажалга қарши курашмоқда. Улар Инсонга ёрдам беришмоқда. Улар Оламга ёрдам беришмоқда...

Бунчалар шижоат қайдан? Бунчалар меҳр-чи? Ўз Онасидай, ўз боласидай, опасидай, ўз яқинидай кўришмоқда хаста умр йўлдошингизни... Шунда хаёлингизга бир гап келади. Барча беморлар барча врачларнинг яқинлари. Оналари, акалари, опалари, укалари, сингиллари. Барча врачлар менинг, Сизнинг, ҳаммамизнинг энг...энг азиз биродаларимиздир. Уларга оғир. Уларга қийин. Уларнинг иши машаққатли. Улар тунларни бедор ўтказадилар.

Қабулхона эшигидан ҳамшира қиз чиқди. Унинг исми Сайёра. Кечаси билан навбатда турган.

— Сиз уйга бораверинг, — дейди у. — Ҳозир уйқудалар.

Шундагина уйда уч фарзандингиз қолгани, улар ёлғиз эканлиги ёдингизга тушади. Ғам-алам одамни шунчалик эсанкиратиб қўяди. Биргина ширин сўз, самимият билан балққан қароқлар эса кўнглингизга далда, ботингизга таскин беради.

Касалхонадан чиқаётиб бош врачга дуч келасиз.

— Хавотирланманг. Энг оғир ҳолат ўтиб кетди. Ҳозир ором олаяпти хотинингиз. Биз ҳаммамиз шу ердамиз. Боринг, энди.

Кўзингизга ёш келади.

Уч кун ўтди. Касалхона остонасини қаритдингиз. Эртаклаб яна келдингиз. Ана ўша дераза. Ҳамшира қиз хурсанд кутиб олади сизни. Чеҳрасида қуёш кулгандай бўлади. Сезасиз... Сизга нимадир демоқчи.

— Бахтингиз бор экан. Келинойим тузалаяптилар. Гапириб турибдилар. Сизни, болаларингизни сўрадилар. Ҳаммамиз хурсанд.

Қаршингизда оқ каптардай бўлиб чуғурлаётган ҳамшира қиз — Сайёранинг қувончини ҳис этиб, одам боласининг меҳридарё бўлишлигига лол қоласиз. Худди ўзининг онаси, опаси, синглиси, қизи тузалгани каби хурсанд. Ўйингиздан бир фикр ярқ этиб ўтади. Сиз менинг онамсиз, синглимсиз, қизимсиз, дегингиз келади унга.

Аёл қалбининг бунчалар улуғлигига тан берасиз.

Ва, англайсиз...

Аёл ҳар бир эркакнинг қаноти. Бу қанот яраланмасин. Йўқса, эркак парвоз қилолмайди, ўлади.

Ўн кун ўтади. Жуфти ҳалолингиз оёққа турганини эшитиб, юзингизга ҳаёт шамоллари урилади. Ёнингизда Зуҳра опа, ҳамшира қиз Сайёра, Раъно опа, Мавлудахон — дўхтирлар. Уларнинг ҳам шодлиги дарё. Уларга бир сўз айтмоқчи бўласиз ҳаяжон кучидан жим қотасиз.Уйга келиб нималарнидир айтмоқчи бўласиз. Мана, жами яхши ва пок дўхтир опаларга айтмоқчи бўлган гапингиз — Онамсиз, синглимсиз, қизимсиз...

Қўчқор НОРҚОБИЛ,
«Ўзбекистон овози»
мухбири

Ишчи ёшлар учрашуви

Партия ахбороти

Тошкент самолётсозлик ишлаб чиқариш корхонасининг ХДП ташкилоти ишчи ёшлар ўртасида ибратли ишлар қилмоқда. Яқинда унинг 30-ётоқхонасида «Ёшлар ва партия» мавзуида «Мулоқот» журнали бўлим мудири, олим ва ёзувчи Маҳкам Маҳмудов, шоир ва санъаткорларнинг ишчи ёшлар билан учрашуви бўлди.

Корхона бошланғич партия ташкилоти котиби Ғанижон Исломов ёшларни партия сафига тайёрлаш ва қабул қилиш ишлари ҳамда ХДП фаолияти ҳақида қисқача гапириб, кечани очди. Маҳкам Маҳмудов миллий мафкура, ёшлар ва демократия, «Мулоқот» журналида олиб борилаётган ишлар ҳақида йиғилганларнинг саволларига жавоб берди. Шоир Маъруф Жалил ўзининг янги шеърларидан ўқиди. Ўзбекистон радиоси мақомчилар дастасининг хонандаси Валижон Абдуллаев ёқимли қўшиқлари билан учрашувга файз бағишлади.

Юлдузхон ҒИЁСОВА

«Косонсой» жамоа хўжалиги мева-сабзавот ва полиз маҳсулотларини етиштиришга ихтисослаштирилган. Хўжалик жамоаси ҳар йили давлатга мева-сабзавот топшириш режасини бажариб келади ва ўз навбатида шаҳар аҳолисини қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан таъминлайди. Бу ерда иш, асосан, оилавий пудрат асосида ташкил этилган бўлиб, деҳқончилик ерлари 620 нафар пудратчига бўлиб берилган.

Жорий йилда ушбу жамоа 250 гектар майдонда ғалла етиштириб, юқори ҳосил олди. Шу билан бирга 350 гектар ерда сабзавот, 11 гектар майдонда картошкадан баракали ҳосил олиш кўзда тутилмоқда. Айни кунларда хўжалик далаларидан пиёз, сабзи, помидор, бодринг маҳсулотлари истеъмолчиларга узлуксиз етказиб берилянпти.

Суратларда:1. (чапдан) «Косонсой» жамоа хўжалиги раиси Сайдаматхон Муйдинов ва ижарачи Усмонхон Мўминов бодринг ҳосилини кўздан кечирмоқда.

2. Ака-ука фермерлар Баҳодир, Маматхон, Акмал Муртозоевлар бу йилги ҳосилни кўздан кечиришмоқда.

Турғунбек МАҲКАМОВ (ЎзА) олган суратлар.

Хатлар, хатлар, хатлар

Ногиронларга раҳм қилинг

Фарзандларим — Соатмурод ва Олтибой Бекназаровлар туғма ногирон. Соатмурод 7 ёшда, Олтибой 4 ёшда. Ҳар иккиси ҳам ўзи юролмайди. Тўғри, инсонийлик ва оналик меҳри билан бормаган дўхтирим ёки табибим қолмади. Аммо, дардига даво топа олмаяпмиз. Ҳар икки ўғлим иккинчи гуруҳ ногиронидир. Уларнинг ҳар иккиси ҳам ногиронлик аравачасига муҳтож. Бу ҳақда жамоа хўжалиги раиси Б. Нормуродов ва хўжалик касаба уюшма қўмитаси раиси Х. Боймуровалар номига 1998 йил август ойида ариза билан мурожаат қилдим. 1998 йил 1 декабрда жамоа хўжалиги бошқаруви йиғинида ўғилларимга бир дона ногиронлар аравачаси сотиб олиш учун банкка 35000 (ўттиз беш минг) сўмни ўтказиб беришга қарор қилишганди. Аммо, Оила йилида қабул қилинган қарор Аёллар йилида ҳам бажарилмади. Хўжалик идорасига боравериб сарсон-саргардон бўлдим. Ахир ўз қарорини ўзлари бажармаса-я. Бош ҳисобчи Х. Алмуродов пул йўқ деб сарсон қилаяпти. Хўш, яна додимни кимга айтишим керак?

Эркин ЧЎЛЛИЕВА,
Қашқадарё вилояти,
Чироқчи туманидаги Охунбобоев номли жамоа хўжалиги

Боскинчи аёл

Одатда бир-иккита бетайин барзангининг бировнинг уйига кириб, хонадон эгасини қўрқитиб, пул ёки бошқа бирон бир қимматбаҳо нарса талаб қилганини эшитганмизу, лекин аёл зотининг бировни мушти ёки дўқ-пўписаси билан қўрқитиб пул сўраганига ўзимиз ҳам ҳайронмиз.

Тошкент шаҳрининг Акмал Икромов тумани Чилонзор 25-мавзенинг 1-уйида яшовчи, ёши саксондан ошган В. Зирьянованинг уйига очиқ эшик орқали кириб, уни арқон билан бўғиб, пул талаб қилган, лекин кўтарилган шовқиндан сўнг воқеа жойидан қочиб кетган кимсанинг изига тушган ички ишлар ходимлари жабрланувчидан у аёл эди, деган изоҳни эшитганида унча ишонқирамадилар...

Наҳотки, аёл киши... Ҳа аёл кишининг ҳам одамни бўғиши, ҳозироқ пул топиб бермасанг ўлдираман, дейиши қўлидан келар экан. Буни яшаш ва ишлаш жойининг тайини йўқ, 30 ёшга кирсада ақлини бир жойга йиғиб олмаган Хамис Магриева мисолида кўриш мумкин.

Савдоси юришмаган «савдогар»лар

Ургут туманида ички ишлар ходимлари томонидан олиб борилаётган тадбирлар вақтида Ровот қишлоғида яшовчи F. Нурмуҳаммедов ва ургутлик Х. Лутфуллаевлар талабалар хиёбонидаги Пушкин номли кутубхона олдида 468 грамм героинни 4 минг 900 АҚШ долларига сотаётганларида қўлга олинди.

Ҳозир тергов ишлари олиб борилмоқда.

Шуҳрат РЎЗИЕВ,
милиция капитани

ДУНЁ ДАРЧАСИ

Испания прокуратурасининг талаби

Испания давлат прокуратураси Чилининг собиқ ҳарбий ҳукмдори генерал Аугусто Пиночетнинг озод этилишини талаб қилиб чиқди. Гўё у касалманд бўлиб, 17 йиллик ҳукмронлик даврида инсон ҳуқуқларини бузганлиги учун суд қилинмаслиги керак эмиш. Прокурор Испания Олий судига аппеляция бера туриб, Испания Конституциясига биноан генерал Пиночет дахлсизлик ҳуқуқидан фойдаланиши мумкин, деди. Бинобарин, у давлат раҳбари сифатида ҳаракат қилган эди. Айни пайтда генерал Буюк Британияда уй қамоғида турибди.Суд жараёни эса сентябрь ойида бошланиши керак.

Ҳарбий қисмдаги қотиллик

Мурманск вилоятидаги ҳарбий қисмлардан бирида қоровул бошлиғи ва икки ҳарбий хизматчи Шимолий флотнинг икки матроси томонидан болта билан чопиб ўлдирилди. Қотиллар қоровулхонага бостириб кириб қуролларни эгаллашди. Кейинчалик эса иккала матрос ҳам отиб ўлдирилди. Куни кеча Томск вилоятидаги ҳарбий қисмлардан бирида қоровулликда турган аскар автомат билан ўзининг икки хизматдошини отиб ўлдирди ва ўз жонига ҳам қасд қилди. Бундай ҳоллар Россия армиясида қуролларни эгаллашга интилиш туфайли юз бермоқда.

(Би-Би-Си)

Вулқон отилмоқда

Никарагуада Черро Негро вулқони отилиб чиқа бошлади. Маҳаллий аҳоли хавфли жойни ташлаб кетишга тайёр. Ушбу вулқон мамлакат пойтахти — Манагуадан 120 километр узоқликда жойлашган. Бу ерда кучли зилзила бўлгандан сўнг вулқон отилиб чиқмоқда.

«Ўзбекистон — буюк келажак сари» танловига

Истиқлолнинг ойдин йўллари

Дунёнинг турли бурчакларидан келган сайёҳ-у меҳмонлар мамлакатимиз пойтахтини қадимий ва улкан бунёдкорлик ишлари олиб борилаётган шаҳар сифатида таърифлайдилар. Ҳа, ҳақиқатан ҳам Тошкент фақат нон, дўстлик, тинчлик шаҳри эмас, балки навқирон бунёдкорлик шаҳри ҳамдир.

Мамлакатимиз мустақилликка эришгандан буён қарийб саккиз йил ичида бу ерда қанчадан-қанча иншоотлар қад ростлади. Одамлар қурувчиларимизнинг замонавий бунёдкорлик маҳоратига қойил қолишяпти. Буни узоқ хориждан келаётган меҳмонлар ҳам эътироф этишяпти.

Тўғри, мустабид тузум пайтида ҳам кўплаб иншоотлар, уй-жойлар бунёд этилган. Уларнинг кўпи бизнинг миллий қиёфамизни белгиламайди. Аксинча, шошма-шошарлик билан ҳукмрон миллат вакилларининг манфаатини кўзлаб қурилган.

Ўрта ва кекса ёшли кишилар яхши эслайдилар: 1966 йилнинг 26 апрелида Тошкентда кучли зилзила юз бериб, шаҳарнинг анчагина қисми вайронага айланганди. Ушанда собиқ совет давлати раҳбарлари бундай қулай вазиятдан унумли фойдаланишга ҳаракат қилишди. Яъни Тошкентни «замонавий социалистик шаҳарга» айлантирамиз, деган баҳона билан СССРнинг турли бурчакларидаги қурувчиларни бу ерга жалб этишди. Ҳақиқатан ҳам Украина, Россия, Болтиқбўйи, Белоруссия ва бошқа жойлардан бинокорлар келишди. Кўплаб техника ва қурилиш материаллари келтирилди. Байналмилалчилар астойдил меҳнат қилишди. Тошкент қайта тикланди. Лекин минг афсуски, «байналмилалчи» қурувчилар ўзлари қурган уйларга ўзлари кириб олишди.

Гарчи, миллионлаб квадрат метр уй-жойлар қурилган бўлса-да, тошкентликларнинг анча-мунчаси бошпанасиз қолаверди. Тўқсонинчи йилларгача ҳам шаҳарда уй-жой муаммоси тўлиқ бартараф этилгани йўқ.

Хўш, эндичи, деган савол туғилиши табиий. Энди аҳвол бутунлай ўзгача. Истиқлол шарофати туфайли халқимиз қулай, замонавий уй-жойлар билан таъминланяпти. Зеро, миллий маънавиятимиз, урф-одатларимиз ҳисобга олиниб, иморатлар қурилаётганининг боиси ҳам шунда. Суръат жадаллашмоқда. Сифат яхшиланмоқда. Мутахассисларнинг айтишига кўра, XXI асрда Тошкентда уй-жойсиз оила қолмайди.

Истиқлол неъматларидан яна бири шуки, кейинги йиллар ичида Тошкентни ободонлаштириш, коммуникация воситалари ва йўллар қуриш борасида ҳам катта тажриба тўпланди.

Юзлаб километр текис, равон йўллар бунёд этилди. Айниқса, «Эски шаҳар»да барпо этилган кўчалар барчани ҳайратга солмоқда. Аввалари оддий от-арава ҳам зўрга сиғадиган кўчалар эндиликда кенгайтирилди. Бу ерда троллейбуслар ҳам бемалол одамларнинг узоғини яқин қиляпти. Ёки Бобур кўчасини олинг. Мамлакатимиз мустақиллигининг дастлабки йилларидаёқ қурилган бу кўпригу йўллар эндиликда фахримизга айланиб қолди. Олой бозори ёнида, Амир Темур ва Абдулла Қодирий кўчалари кесишган жойдаги кўпригу ер ости йўлларини айтинг. Қандай гўзал, қандай равон.

Дарвоқе, собиқ Иттифоқ даврида ҳам Тошкент шаҳрида йўллар қурилган. Лекин у пайтларда бирон кўчани ободонлаштириш учун Москвадан маблағ ундириш амримаҳол бўларди. Техника воситалари эскириб қолган, кўпгина ишлар асосан қўлда бажариларди. Қайноқ асфальтни белкурак билан ёйиб чиқишни бир тасаввур қилинг-а. Иш оғирлиги учун бу ерда ҳамиша кадрлар қўнимсизлиги юз берарди. Натижада ишлаб чиқариш самарадорлиги пасайиб, сифат ҳам ҳаминқадар ҳолга тушганди.

Истиқлолга эришгач, йўл қурилиши соҳасида ҳам муҳим ўзгаришлар бошланиб кетди. Соҳани ривожлантиришга алоҳида эътибор берила бошланди. Ахир энди юртимиз пойтахтида кўплаб хорижий мамлакатларнинг элчихоналари, ваколатхоналари бор. Минглаб меҳмонлар ҳам келиб турибди. Шу боис кўчаларимиз ҳам, йўлларимиз ҳам жаҳон андозаларига мос бўлиши керак-да.

Мана шундай масъулиятли вазифани Тошкент шаҳар йўл қурилиш ва таъмирлаш трести муваффақиятли амалга ошириб келаётир. Аслида бу трест жамоаси зиммасига ҳамиша мураккаб иншоотларни бунёд этиш топширилади. Халқа йўллару кўприклар устини асфальтлаш машаққатли ва мураккаб иш бўлса-да, моҳир муҳандислар, малакали ишчилар бутун кучқудратларию маҳоратларини кўрсатиб ишончни оқлайдилар. Трест жамоаси кейинги йилларда айниқса, сезиларли ютуқларга эришди.

Бажарилган ишлар ҳажми салмоқли. Масалан ўтган йили Навоий кўчасидан то Шаҳристон кўчасигача бўлган масофада йўл қурилиш-таъмирлаш ишлари бажарилди. Амир Темур кўчаси тўла таъмирланди. Маннон Уйғур кўчаси эса Дадил кўчасигача қайта таъмирланмоқда. Бу ерда сўнгги ишлар амалга оширилмоқда. Мамлакатимиз Президентининг ташаббуси билан бунёд этилган Хотира майдони қурилишида трест жамоаси ҳам фаол иштирок этди. Ўтган йилнинг октябрь ойидан шу йилнинг май ойигача бу ерда улкан ишлар бажарилди. Объект муддатидан илгари фойдаланишга топширилди.

Буюк бобомиз Алишер Навоий номи билан аталувчи кўркам Миллий боғда ҳам каттагина ишлар қилинди. Эндиликда боғ атрофларида иш қизғин. Қадимий Байналмилал кўчасида ҳали қилинадиган ишлар кўп. Бешёғочга олиб чиқувчи бу кўча тўла таъмирланиши керак. Айни пайтда йўлни текислаш, асфальтлаш ишлари жадал суръатларда давом эттириляпти.

— Умуман олганда ўтган йили бош пудрат асосида 1 миллиард 850 миллион сўмлик иш бажардик, — деди биз билан суҳбатда Тошкент шаҳар йўл қурилиш ва таъмирлаш трести бошқарувчиси Жамолиддин Камолиддинов. — Шундан 1 миллиард 350 минг сўмлик иш трестимиз жамоаси томонидан амалга оширилди. Қолганини эса ихтисослашган қурилиш бошқармалари бажарди. Бизнинг асосий вазифамиз — йўлларни тез ва сифатли текислаб, асфальтлаш. Аслида бизда ҳеч қачон иш тўхтаб қолмайди. Йил бўйи қурилиш ишлари бажарилиши билан бирга чўкиб, ўтириб қолган жойларни таъмирлаш давом эттирилади. Масалан, метрополитен қурилган йўлларда истасангиз истамасангиз табиий чўкиш ҳоллари юз беради. Шундай пайтларда биз уларни вақтида таъмирлашга ҳаракат қиламиз.

Трест бунёдкорлари ҳозирги пайтда техникадан асло нолимайдилар. Бу борада Германия Федератив Республикасининг «Виртген» фирмаси билан ҳамкорлик яхши самара бермоқда. Ушбу фирма ёрдамида кейинги йилларда трестнинг бутун техника парки янгиланди, десак муболаға бўлмас. Замонавий бульдозерлар, грейдерлар, асфальт қилувчи машиналар қурувчилар ишини енгиллаштиряпти.

Биргина ўтган йилнинг ўзида 10та «ДЭУ» автосамосваллари олинди. Ушбу техника йўл созловчиларга маъқул тушиб қолди. Шу боис улар бу йил яна 33та «ДЭУ» самосвалларини сотиб олишмоқчи.

Лекин техника воситалари қанчалик мукаммал бўлмасин, ишнинг сифатини, самарадорлигини ўз касбини севган, маҳоратли муҳандислару прораблар, ажойиб ҳайдовчилару жонкуяр ишчилар таъминлайдилар. Трест раҳбарияти ҳудди ана шу масалага жиддий эътибор беради. Ҳар қандай шароитда ҳам одамларга қулайлик яратиб берилади. Айниқса, уларнинг моддий манфаатдорлигини ошириш масаласи ҳеч қачон унутилмайди. Бинобарин манфаатдорлик бор жойда муваффақият ҳам келаверади. Ижтимоий ҳимоя эса доимо биринчи ўринда туради. Ишчилар 18-20 минг сўмдан маош олиб турибди.

Кўпчилик тошкентликларнинг хабари борки, Амир Темур кўчасининг Аҳмад Дониш кўчаси билан кесишган чорраҳасида улкан иншоот — кўприк бунёд этиляпти. Ҳозир «Юнусобод» бозори ёнида қад ростлаган кўприк қурилишида йўлсозлар ҳам фаол иштирок этишяпти. Биз эса йўлсозлар шижоатини кузатдик.

Тун. Кўприк остидаги йўлда аҳён-аҳёнда машиналар ўтиб турибди. Осмон эса мусаффо. Борлиқни «ДЭУ» самосвалларининг шовқини эгаллайди. Янгигина, қайноққина асфальт келтирилади. Ишчилар ғайрат камарини белга боғлашади. Барча техника воситалари ишга тушади. Хаш-паш дегунча кўприк асфальтланади. Теп-текис, қоп-қора. Яқин кунларда, яъни мамлакатимиз мустақиллигининг саккиз йиллик тўйи арафасида мана шу йўлдан машиналар карвони қатнайди. Ушанда ҳар бир ҳайдовчи қўли гул қурувчиларга таҳсинлар ёғдирса, не ажаб...

— Кечаси ишлаётганимизга ҳайрон бўлаяпсизлар, чоғи, — дейди бригада бошлиғи, «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган қурувчи» Собитжон Расулов. — Асли бизнинг ишимиз кечаси баракали бўлади. Чунки ёз чилласида кундузи асфальтга яқинлашиш мушкул. Ҳам куннинг жазирамаси, ҳам қайноқ асфальт. Кечаси эса транспорт қатнови қарийб тўхтайди. Шу боис кечаси ишлаш мароқлироқ. Асфальт эса ўз вақтида келиб турибди. Трестга қарашли Хонободдаги асфальт заводи туну кун ишлаяпти.

Трест йўлсозлари айни пайтда Амир Темур кўчасидаги ишларни жадал давом эттиришмоқда. Ҳозиргача кўприккача бўлган масофа тикланиб, асфальтлаб бўлинди. Йўлсозларнинг нияти — шу йил охиригача кўчани «Уч қаҳрамон» ДАН постигача тўла таъмирдан чиқариш. Ҳозирги пайтда Қўйлиқда, «Бектемир» бозори ёнида ҳам улкан ишлар қилиняпти. Бунёдкорлар уни республикамиз мустақиллигининг саккиз йиллик байрамида фойдаланишга топширишмоқчи. Бу ишларни бажаришда Трофим Квон раҳбарлигидаги махсус таъмирлаш бошқармаси жонбозлик кўрсатмоқда. Механизация бошқармаси жамоаси ҳам кўпчиликка ўрнак. Камолиддин Ҳаққулов прораблик қилаётган 2-таъмирлаш қурилиш бошқармаси эса суръат ва сифатни уйғунлаштириб бормоқда. Ишлаб чиқариш технологиясини комплектлаш бошқармаси, «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган қурувчи» Қаҳрамон Гаффоров бошлиқ бригада йўлсозлари эса бугунги ишни эртага қўймайдилар. Ана шуларнинг ғайрат-шижоати туфайли шу йилнинг ўтган олти ойи ичида трест бўйича 800 миллион сўмлик капитал маблағ ўзлаштирилди. Жами олтита қурилиш-таъмирлаш бошқармаси йўлсозлари қўлни-қўлга бериб ишламоқдалар.

Йўл қурилишида илғор технология жорий этилаётганлиги туфайли юксак маром таъминланяпти. Солиштириш учун айтиб ўтамизки, мустабид тузум даврида битта кўчани таъмирлаб, қуриш учун ҳатто беш йиллаб вақт сарфланарди. Энди эса қисқа муддатда ўнлаб километр йўллар қурилмоқда. Бу истиқлол шарофати, қолаверса, илғор технология имкониятларидандир.

Ҳали олдинда қилинадиган ишлар кўп. Мутахассисларнинг ҳисоб-китобларига кўра улкан шаҳардаги барча катта-кичик кўчаларни тўла таъмирдан чиқариш учун ўн-ўн беш йил вақт керак бўлар экан. Тошкентлик йўлсозлар эса бу вазифани кўзланган муддатдан анча илгари амалга оширишни мақсад қилиб қўйишган.

Ўзбекистон XXI асрни мустақил юрт бўлиб кутиб олмоқда. Янги аср эса Ватанимизга, юртдошларимизга кўплаб қувончлар келтириши кутилмоқда. Иқтисодиётимиз тобора мустаҳкамланиб бораётир. Истиқлол юртига эса ободончилик, гўзаллик ярашади. Бу борада Тошкент йўлсозлари ҳам ўз хизматларини аямасликларини айтмоқдалар. Демак, истиқлолнинг ойдин, равон йўллари бизни нурли манзилларга чорлайверади.

Шоҳайдар МИРҲАБИБОВ,
Мирбахтиёр МИРФАЙЗИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбирлари

Суратда: Тошкент шаҳрида қурилаётган янги йўллардан лавҳа.

Шавкат АКРАМОВ олган сурат

ДУНЁ ДАРЧАСИ

Қурбонлар хотираси

Куни кеча Япония бош вазири Кейдзо Обути Хиросиманинг атом бомбардимони қурбонларини анъанавий хотирлаш маросимида сўзга чиқиб, дунё халқларини Ер юзида ядро қуролини тўла-тўкис тугатишга чақирди. Хиросиманинг Тинчлик боғидаги анъанавий маросимда 50 мингга яқин киши иштирок этди. Худди шу ерда бомба портлаши натижасида 10 минглаб киши ҳалок бўлганди. Бу воқеа 1945 йилнинг 6 августида юз берган.

(НТВ)

Ҳиндистон аҳолиси 1 миллиардга етди

БМТ экспертларининг хабарига кўра, 15 август — Ҳиндистон мустақиллиги нишонланадиган кунда мамлакат аҳолиси 1 миллиардга етар экан. Айни пайтда Ҳиндистон аҳоли сони жиҳатидан Хитойдан кейин дунёда иккинчи ўринни эгаллаб турибди. Ҳозир Хитой аҳолиси 1,267 миллиард кишига етди. Бироқ Ҳиндистон аҳолининг ўсиши жиҳатидан Хитойдан ўзиб кетди. Тахмин қилинишича, 40 йилдан сўнг у аҳоли сони жиҳатидан дунёда биринчи ўринга чиқади.

(РИА «Новости»)

Халқ ичида юриб...

Иордания қироли Оммон шаҳри бўйлаб сайёҳат қилди. Қирол Абдулла II такси ҳайдовчиси сифатида Оммон шаҳрини кезиб, йўловчилар билан суҳбатлашиб борди. Кўпчилик уни танимади. Чунки қирол оддий, эскириб кетган кийимда эди. 37 ёшли қирол иккинчи марта халқ ичига юриш қилди. Ёш қирол мамлакатда тартиб ўрнатиш, бюрократизмни йўқ қилиш учун курашмоқда. Бу, албатта бутун мамлакат учун фойдали сафар бўлди.

(Интерфакс)

ХАФТАЛИК КЎРСАТУВЛАР

ЖУМА 13

TV

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.30 «Ахборот».
8.30 Республика газеталарининг шарҳи.
8.45 «Муштарак оҳанглар». Мусиқий дастур.
9.10 «Фан — тараққиёт негизи».
9.35 «Бу ҳам кино». Телесериал. 9-серия.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар.
10.05 «Оналар мактаби».
Болаларнинг ёзги таътил кунларида:
10.25 «Сеними, шошмайтур». Мультсериал.
10.45 «Кичкинтоймиз гижингтоймиз».
11.05 «Қизиқарли учрашувлар».
11.35 «Ўзбекистон бастакорлари». Акбарали Аскаров.
12.05 «Таъсис» дастури намойиш этади. «Табиат хавф остида» туркумидан. «Бахти чопган елкашох балиқ».
12.35 «Сомон йўли».
13.05 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 8 йиллигига: «Озод юрт одамлари».
13.25 «Етгил камолга». Спорт дастури.
13.40 Шарқ тароналари.
14.10 Кундузги сеанс . «Мария Мирабелла Транзисториянда». Бадиий фильм.
15.15 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 8 йиллигига. «Тарихнинг тилсиз гувоҳлари».
15.45 «Ранглар жилоси».
16.00 «Иф қалъасининг маҳбуси. Аббат Фариа». Бадиий фильм. 1-серия.
17.05 «Куйла , ёшлигим».
17.35 «Бешбармоқ». Тележурнал.
18.10 «Парламент соати».
18.30 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 8 йиллигига. «Шарқдан нур». Замахшарий.
19.05 «Имконият».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00, 23.20 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 «Рақибингиз-гроссмейстер».
20.10 Окшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.05 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 8 йиллигига: «Истиқлол нашидаси».
21.15 «Адолат мезони».
21.35 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 8 йиллигига. «Ўзбекистон — Ватаним маним!». Мусиқий дастур.
22.10 1999 Аёллар йили. «Қизлар давраси».
23.25 «Ахборот».
23.55 «Мимино». Бадиий фильм.
01.25-01.30 Ватан тимсоллари.

ТВ-ОШЛАР

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Янги авлод» студияси намойиш этади. («Эркатой», Мультфомоша).
18.40 «Ҳуқуқ ва бурч».
18.55 «Мусиқий лаҳзалар».
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30 «Далил ва шарҳ». Олий Мажлис XV сессияси олдидан.
19.40, 20.35, 23.05 Эълонлар.
19.45 Телесериал.
20.40 «Саломат бўлинг». 7-кўрсатув. «Ёшлар ва тамаки».
21.00 «Давр». Ахборот дастури.
21.30 «Мининг орзуим».
21.35 «Ўзбекистон XXI аср сари» туркумидан: «Аср қиёфаси».
21.55 Мустақилликнинг 8 йиллигига. «Шукрона».
22.05 «Наволарда аён этсам». Мусиқий дастур.
22.15 «Истиқлол қайтарган номлар: Убайдулла Хўжаев».
22.30 «Автосалтанат».
22.45 «Жаҳон эстрадаси».
23.00 «Ёшлар» телеканалида.
23.10 Синема. «Гувоҳ-ганстер».
01.50 «Мунаввар тонг истаб».

ТНТ

8.45 Кўрсатувлар дастури.
8.50 «Ёрилтош». Мульттўплам.
9.10 «Кўнгил тароналари».
9.30 Болажонлар экрани.
11.10 «Кўзгу». Тележурнал.
11.30 Кинонигоҳ.
13.10 «Спорт оламида».
13.25-13.40 «Пойтахт». Информацион кўрсатуви.
17.55 Кўрсатувлар дастури.
18.00, 21.30, 22.30, 23.30 «Пойтахт» . Информацион кўрсатув.
18.10 «Ёрилтош». Мулттўплам.
18.25 «Шаҳарлик фариштa». Телесериал.
19.10 «Баҳор кетмас энди бу юракдан». Манзарали фильм.
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 «Мусиқий меҳмонхона».
20.15 «Баховуддин Нақшбандий». Телефильм.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Рақслар жилоси».
21.45 «Яна бир учрашув». (такрор)
22.15 Катталар учун эртак.
22.45 «Морена Клара». Телесериал.
23.45 Оҳанглар ва эълонлар.
23.55 Кинонигоҳ.
01.30 «Ҳайрли тун, шаҳрим!»

4tv

Россия жамоат телевидениеси.
6.30-8.00
14.00-15.05 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ.
15.05 Кўрсатувлар тартиби.
15.10 «СНН. Жаҳон янгиликлари» (инглиз тилида)
15.40 «СНН-шоу».
15.55 Клип-антракт.
16.00 «Севги йўлида». Сериал.
17.00 «Мультчарҳлалак». Ака-ука Гримм эртаклари. «Темир одам». 2-қисм.
Россия жамоат телевидениеси.
17.15 «Сиҳат-саломатлик».
17.45 «Жентльмен-шоу».
18.15 «Қутирган пуллар». Ҳужжатли-детектив фильм. Марказий банк иши 1993 йил.
18.45 «Мўъжизалар майдони».
19.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.00 «Время».
20.35 «Федерал полицияси». Телесериал.
21.20 «Оламда нима гап?» Ахборот кўрсатуви.
21.25 «Дил изҳори».
21.30 «Дурдаршан».
21.50 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 8 йиллигига. «Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган».
22.00 «Вести».
22.35 Кинонинг олтин асри: С. Лорен «Эль Сид» фильмида.
01.35 «Ахборот» (рус тилида)
02.00 «Тунингиз осуда бўлсин!»

30 канал

9.05 «Мусиқий тонг». Мусиқий-дам олиш дастури.
9.30 «Даракчи». Дам олиш дастури.
10.00, 13.45, 18.00, 19.50, 01.40 — «ТВ-ҳамкор». «Метеохабар».
10.30 «Морена Клара». Телесериал.
11.20 Тонгги киносеанс.
13.00 «Кичик шаҳардаги дўзах». Телесериал.
14.10 Кундузги киносеанс.
15.30 «Висол».
16.00 «Карапуз-ТВ».
16.25 «Фақат хотин-қизлар учун». Тележурнал.
16.50 «Айбдорлик». Телесериал.
17.35 «VIP» студиясининг меҳмони».
17.50 «Хит-коктейль».
18.25 «Ошиқона». Мусиқий дастур.
18.40 «Сенсиз яшай олмайман». Телесериал.
19.25 Спорт шарҳи.
20.20 «Клип-совға».
21.30 «30-канал»да киноокшом.
23.15 «Комиссар Лиа Зоммер». Телесериал.
24.00 «Бедорлик».

ШАНБА 14

TV

6.30 «Ассалом,Ўзбекистон!»
8.00-8.30 «Ахборот».
8.30 Республика газеталарининг шарҳи.
8.50 «Яхши кайфият». Мусиқий дастур.
9.15 «Зийнат».
9.35 «Ҳидоят сари».
«Умид» намойиш этади:
10.00 «Орзулар қанотида».
10.20 «Маҳорат».
10.40 «Қиёфа».
Спорт дастури:
11.00 1.»Мураббий».
11.15 2.»Ўзбекистон спортининг нуфузи».
11.35 3.»Ринг».
12.00 «Мен нечун севаман Ўзбекистонни». Публицистик кўрсатув.
12.35 Ватан тимсоллари.
12.40 Кундузги сеанс: «Ёввойи оқ қушлар». Бадиий фильм.
14.05 «Нотаниш дил суҳбати».
14.20 Абдулла Қаҳҳор. «Хажвий новелла-лар».
15.25 «Ёр ва диёр тароналари».
16.00 «Мининг маҳаллам».
16.25 «Иф қалъасининг маҳбуси. Граф Монте-Кристо». Бадиий фильм. 2-серия.
17.30 «Қалб гавҳари».
17.55 Ватан тимсоллари.
18.00 «Уйғоқ кунлар». Кинокўрсатув.
18.25 «Иқтисод ва биз».
18.50 «Бахтли воқеа».
19.25, 21.00, 23.00 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
19.55 Окшом эртаклари.
20.10 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида)
20.20 «Зиё».
20.30 «Ахборот».
21.05 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 8 йиллигига. «Истиқлол нашидаси».
21.15 «Қишлоқ ҳаёти».
21.40 «Оталар чойхонаси». Мусиқий-дам олиш дастури.
22.40 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 8 йиллигига. «Халқнинг кўнгли».
23.05 Футбол. Ўзбекистон чемпионати. «Дўстлик» (Тошкент вилояти) — «Темирйўлчи» (Қўқон).
23.50 «Ахборот».
«Тунги бўғу». Дам олиш дастури.
00.20 «Мусиқий саёҳат».
00.40 Нақадар тотли сўз «Озодлик» «Ганди». Бадиий фильм. 1-серия.
02.15-02.20 Ватан тимсоллари.

ТВ-ОШЛАР

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 «Янги авлод» студияси намойиш этади.
9.50 «Кусто командасининг сув ости саргузаштлари». Телесериал. 71-қисм.
10.35 «Ёшлар» телеканалида.
10.40 «Сурур». Мусиқий дастур.
10.50 «Рей Брэдбери театри». Телесериал.
11.10 «Маслаҳат».
11.40 «Танишинг: Тоҳир Ахмедов».
11.55 Истиқлол қайтарган номлар: Ҳайриддин Султоннинг Абдулла Қодирийга бағишланган «Мозийдан бир саҳифа» видеофильми. 1-қисм.
13.20 «Мусиқий лаҳзалар».
13.25 «Мафтункор чеҳралар».
13.50 «Рамаяна». Телесериал.
14.25 «Муносабат».
14.50 «Мусиқий глобус».
15.10 «Тарзан». Телесериал.
15.55 Мустақилликнинг 8 йиллигига. «Шу куннинг мавзуси».
16.15 Синема.
17.40 «Хит-коллекция».
18.00 «Янги авлод» студияси намойиш этади («Бўш ўтирма», Мультфомоша).
18.35 «Истиқол неъматлари». Наманган вилоятидан тайёрланади.
18.55 «Эски альбомдан».
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30 «Ёшлар» телеканалида.
19.35 «Матбуот».
19.50, 20.30, 23.35 Эълонлар.
19.55 «Рамаяна». Телесериал.
20.35 «Европа иттифоқи. Сафар таассуротлари».
20.55 «Мусиқий лаҳзалар».
21.00 «Давр». Ахборот дастури.
21.30 «Истиқлолни куйлайман».
21.35 «Юлдузлар олами». Анвар Санаев .
22.00 «Энг улуғ, энг азиз» танловига: «Туйғу».
22.20 «Шарқ тароналари».
22.45 «Кинотақдим».
23.05 «Кўнгил кўнгилга пайванд».
23.40 Синема. «Буқаламон».
01.25 «Хайрли тун!»

ТНТ

8.45 Кўрсатувлар дастури.
8.50 Соғлом бўлай десангиз.
9.00 «Тонгги пойтахт».
9.30 «Ҳайвонот оламида».
9.40 «Ўйинленд-шоу».
10.00 «Ёшлар ҳудуди».
10.30 Болажонлар экрани.
12.00 «Ибрат».
12.30 «Бева Бланка». Телесериал.
13.15 «Янги ой чиққан кеча».
13.40 Кинонигоҳ.
15.20-16.05 «Дўстлик» видеоканали. «Бизнен мирас», «Чинсэн».
17.55 Кўрсатувлар дастури.
18.00 «Ёрилтош». Мульттўплам.
18.20 «Шаҳарлик фариштa». Телесериал.
19.05 «Табиат шифохонаси».
19.20 «Дилором наволар».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 «Таянч».
20.30 «Ахборот».
21.05 «Муаллиф».
21.30 «Даллас». Телесериал.
22.20 «Мўъжизасиз мўъжизалар». Д. Копперфильд.
22.50 Оҳанглар ва эълонлар.
23.00 Кинонигоҳ.
02.00 «Ҳайрли тун, шаҳрим!»

4tv

9.00 Кўрсатувлар тартиби.
9.05 «Кино сайёраси» .
9.20 Кинематограф. Д. Клуни «Кўздан йироқ» фильмида.
11.20 «Жонли сайёра».
11.35 «Болалар олами».
11.50-12.10 «Юлдузли чорраха».
17.30 Кўрсатувлар тартиби.
17.35"Бинафша».
17.55 «Бу ажиб дунё» (рус тилида)
Россия жамоат телевидениеси.
18.10 Кумуш серия. Пьер Ришар «Ўйинчоқ» комедиясида.
20.00 «Время».
20.35 «Махфий ҳужжатлар». Сериал.
22.15 «5 дақиқа ўзинг учун».
22.20 «Дил изҳори».
23.10 Кинематограф: «Мининг дўстим соткин». Бадиий фильм.
00.20 «Ахборот» (рус тилида)
00.45 «Тунингиз осуда бўлсин!»

30 канал

9.05 «Мусиқий тонг». Мусиқий-дам олиш дастури.
9.30, 13.45, 18.00, 19.50, 01.30 — «ТВ-ҳамкор», «Метеохабар».
10.00 Болалар канали.
10.30 Болалар учун фильм.
11.45 «Клип-совғача».
12.00 «Тушки кино».
13.30 «Оддий кучук». Жониворлар ҳақида дастур.
14.15 «Ўлжа». Детектив сериал (АҚШ).
15.00 Ҳинд киноси.
17.30 «30-канал»да саргузаштлар соати».
18.30 «Шарқ юлдузи». Тарихий шаҳарларга саёҳат.
19.00 «Омерта ёки сукут сақлаш кодекси». Детектив сериал.
20.20 «Клип-совға».
21.30 «Ҳафта фильми».
23.15 Мусиқий-дам олиш канали.
24.00 «Бедорлик».

ЯКШАНБА 15

TV

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00—8.30 «Ахборот».
8.30 «Камалак». Болалар учун кинодастур.
9.05 «Ватан мадҳи». Мусиқий дастур.
9.20 1999 — Аёллар йили. «Нафосат». Тележурнал.
9.45 «Гаройибот».
«Умид» намойиш этади:
10.00 «Ватанимга хизмат қиламан».
11.00 «Талабалик йилларим».
11.20 «Қулги терапия».
12.00 «Шоҳрух» клуби.
12.30 «Бўстон». Тележурнал.
13.00 Нақадар тотли сўз «Озодлик». «Ганди». Бадиий фильм. 1-серия.
14.35 «Камолот сари».
14.50 «Эл тинчлиги йўлида».
15.15 .Футбол. Ўзбекистон чемпионати. «Хоразм» (Ўрганч) — «Самарқанд» (Самарқанд)
16.00 Х. Ҳоликов . «Кампир олиб берайми, дадажон». Фарғона вилояти театрининг спектакли.
17.40 «Энг улуғ, энг азиз» танловига. «Озод ва обод юрт».
18.00 «Олтин тож». Телевизион ўйин.
18.20 «Ором онлари». Ўзбекистон телерадиокомпанияси бадиий жамоаси меҳнаткашлар ҳузурида.
18.55 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 8 йиллигига. «Ўзлик». Бадиий-публицистик кўрсатув.
19.25, 20.00, 20.25, 21.10, 22.35 ЭЪЛОНЛАР.
19.30 «Таҳлилнома» (рус тилида)
20.05 «Оламга саёҳат».
20.30 «Таҳлилнома».
21.15 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 8 йиллигига. «Истиқлол нашидаси».
21.25 «Якшанба оқшомида». Мусиқий дам олиш дастури.
22.00 Телевизион миниатюралар театри. «Кулги дастаси».
22.40 Футбол майдонларида.
23.00 «Садоқат».
23.20 ТВ-1 намойиш этади: Телеанонс.
«Аср мўъжизаси» кинодастури.
23.35 Кино янгиликлари. II Ўзбекистон фильмлари миллий фестивали.
23.55 «Жаҳон киноси юлдузлари».
00.15 «Нақадар тотли сўз «Озодлик» «Ганди». Бадиий фильм. 2-серия.
01.45-01.50 Ватан тимсоллари.

ТВ-ОШЛАР

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 «Якшанбада яхши дам».
9.40 «Янги авлод» студияси намойиш этади.
10.10 «Сарвиноз». Мусиқий дастур.
10.25 «Инглиз тили сиз учун».
10.50 «Ёшлар» телеканалида.
10.55 «Кусто командасининг сувости саргузаштлари». Телесериал. 72-қисм.
11.40 Мустақилликнинг 8 йиллигига. «Дунёга йўл».
12.00 «Лаззат».
12.20 Истиқлол қайтарган номлар: Х. Султоннинг А. Қодирийга бағишланган «Мозийдан бир саҳифа» видеофильми 2-қисм.
13.40 «Шуҳрат Қаюмов куйлайди».
14.00 «Цирк, цирк, цирк».
14.20 «Тил ва дил».
14.40 «Рамаяна». Телесериал.
15.15 «Баҳс».
15.40 «Синфдош».
16.05 Синема.
17.35 «Шарқ тароналари».

* * *

18.00 «Янги авлод» студияси намойиш этади. («Болалар дам олиш масканларида», Мультфомоша).
18.25 Мустақилликнинг 8 йиллигига: «Ватан мадҳи».
18.45 «Жараён». Қуролли қўчлар академияси ҳақида.
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30 «Олтин қанот». Ўзбекистон ҳаво йўллари қўнига.
19.45, 20.25, 22.10 Эълонлар.
19.50 «Рамаяна». Телесериал.
20.30 «Дунё ҳафта ичида».
20.50 «Каталог».
20.55 «Мининг орзуим».
21.00 «Давр». Ахборот дастури.
21.30 «Ўзбекистон — Ватаним маним!». Қўшиқ байрами.
21.50 «Чиройи ёниқ уй».
22.15 XXI аср сари «Садо-99» профессионал қўшиқчилар кўрик танлови.
23.50 Спорт дастури: 1.»Спорт ҳафтаномаси», 2. «Миллионлар ўйини».
00.20 «Ёшлар» телеканалида.
00.25 «Тонг юлдузи!»

ТНТ

8.45 Кўрсатувлар дастури.
8.50 Соғлом бўлай десангиз.
9.00 «Тонги пойтахт».
9.30 «Ёрилтош». Мульттўплам.
9.50 Болажонлар экрани.
11.30 «Хусусийлаштириш : қадам-қадам».
11.50 «Ватанни севмоқ иймондандир».
12.10 «Бева Бланка». Телесериал.
12.55 «Туризм ҳақида».
13.25 «Хориж ҳангомаси».
13.45 «

«ПАХТАКОР»... ҳеч унутиб бўлмас!

Шундай бўлган. Мустабид деймизми ёки мустамлакага айланган давримизданмикан миллионлар учун дилтортар жамоага айланган «Пахтакор» атайлаб ҳалокатга учратилган, десак сира муболаға бўлмайди. Гап шундаки, ўша замонда чексиз ҳокимиятга эга бўлган КПСС МК бош котиби Леонид Брежневнинг шахсий самолёти осмонга кўтарилган пайтда унинг йўлида учраши эҳтимол тутилган ҳар қандай самолётлар уриб туширилиши шарт бўлган. Бош котибга хушомад қилишга доимо шай турувчи ҳарбий ҳаво кучлари генералларининг буйруғига биноан Тошкент – Минск йўналишида учаётган самолёт баландлигини ўзгартиради, натижада 1979 йилнинг 11 августида 5 минг метр баландликда парвоз қилаётган бошқа самолёт билан тўқнашади. Миллионлаб футболсеварларни ларзага солган машъум фалокат шу тарзда содир бўлган экан...

Мана шу сира унутилмас, минглаб юракларни жароҳатлаган нохуш воқеага ҳам 20 йил бўлди. Ўшанда Тошкент – Гурьев – Донецк– Минск йўналишида парвоз қилаётган самолёт ярим тунда Днепродзержинск тумани яқинидаги Куриловка қишлоғи осмонида ҳалокатга учраган . Самога 17 нафар пахтакорчи сочилган. Келинг уларни яна бир бор ёдга олайлик: Равил Агишев, Михаил Ан, Олим Аширов, Константин Баканов, Сирожиддин Бозоров, Юрий Загуменних, Шуҳрат Эшбўтаев, Александр Корченов, Николай Куликов, Владимир Собиров, Владимир Макаров, Идгай Тазетдинов, Мансур Толибжонов, Сергей Покатилов, Владимир Фёдоров, Владимир Чумаков, Виктор Чуркин... Даҳшатли воқеадан узоқлашганимиз сари самога сочияган юлдузлар яна ҳам ёрқинроқ бодраётгандай. Уларнинг ҳар бири ўзбек футболи тарихида ёрқин саҳифа бўлиб қолади.

Инсон табиати қизиқ. Гўё нохуш ёки қувончли воқеани олдиндан фаҳмлагандек ўзига хос ҳаракатлар қиладики, фақат биз уни кечроқ англаймиз. Хусусан, Михаил Ан ўзининг сўнгги сафари олдидан бошқачароқ, яъни башанг кийиниб олган. Худди меҳмонга отлангандек. Уйидагилар бунинг боисини сўраганларида... «Минскка ўйнагани эмас, жамоадошларимни қўллаб-қувватлагани бораяпман», деган экан. Владимир Фёдоров эса ўзи билмаган ҳолда тунги соат иккиларгача отаси билан суҳбат қурган. Ҳатто отаси: «Ўғлим вақт алламаҳал бўлиб қолди, ухла. Эртага сафарга жўнайсан», деганда у: «Отагинам, шундоқ ҳам кам учрашамиз, бир тўйиб гаплашиб олайлик, сизни соғиниб қоламан-а» деган. Сирожиддин Бозоров ҳам ўринбосарлар сафида бир кун аввал Минскка йўл олиши лозим бўлган. Қариндошларининг тўйи баҳона ўша куни қолиб, эртасига яъни жамоанинг асосий таркиби билан парвоз қилган...

Ўз даврининг довруғи ва фахри бўлган пахтакорчиларнинг руҳларини шод этиш важидан келинг яхшиси уларнинг турли ўйинларда қўлга киритган ажойиб ютуқларидан айримларини ёдга олайлик. 2 май 1962 йил. «Спартак» (Москва) – «Пахтакор» – 2:3. Тўпларни Беляков, Абдураимов, Красницкийлар амалга оширганлар.

8 июнь 1964 йил, халқаро учрашув. «Пахтакор» – «Насьональ» (Уругвай) – 2:1. Ўшанда пахтакорчилар қуйидаги таркибда майдонга тушганлар: Пшеничников, Медведов, Мухин, Науменко (Зокиров), Шарипов, Любушин, Суюнов, Мелкумов, Красницкий, Тожиров, Малиновский. Тўпларни Тожиров, Любушин киритишган. Қизиғи шундаки, Уругвай футболчилари Тошкентга келгунларича Швейция, ГФР, Италия, Австрия ва Бельгиянинг турли жамоаларини мағлубиятга учратишган экан.

Маълумки, «Пахтакор» ўзбек футболининг етакчи жамоаси ҳисобида собиқ иттифоқ кубоги учун курашнинг финалчиси бўлган.

Самога сочилган юлдузлар

Мухлислар 8 ноябрь 1968 йили Москва торпедочилари билан пахтакорчилар учрашувини мароқ билан эслайдилар. Бир тўп ҳисобида имконият бой берилган бўлишига қарамай бу учрашув футболимизнинг ўзига хос нуқтага кўтарилганидан нишона бўлган.

«Пахтакор» ўзига хос феъли жамоа номини олганди. Ишкибозлар футболчиларимизнинг ҳамиша пешқадамлар сафида юрувчи Киев динамочиларини доғда қолдириб келишганини яхши биладилар. Хусусан, 17 октябрь 1975 йили Киев футболчиларини қабул қилган пахтакорчилар дарвозага 5 та жавобсиз тўп киритиб мухлисларни қувонтиргандилар. Айниқса, Исоқов - Фёдоров - Хадзипанагис ҳамкорлигини завқланиб эслайдилар. Ўша йили футболчиларимиз Киевда ўтказилган сафар учрашувини ҳам ўз фойдаларига 1:0 ҳисобида ҳал қилишган.

8 август 1979 йил ўтказилган учрашув «Пахтакор» учун сўнгги ўйин бўлди. Футболчиларимиз «Заря»ни қабул қилиб (3:1) устун келишган. Тўпларни Чуркин, Фёдоров ва Корченовлар дарвозага йўллаганлар. Бу чемпионатнинг иккинчи давраси бошидаги дастлабки учрашув эди. Футболчиларимизга Минск динамочилари билан сафар учрашуви насиб этмади.

«Пахтакор» ана шундай унутилмас ва мароқли ўйинлари билан миллионлар қалбидан жой олган. Юртимизда футболни ҳар томонлама ривожлантириш, оммавийликка эришиш, моҳир футболчилар сафини кенгайтириш, умуман халқ севган ўйинни халқаро андозаларга мос бўлиш йўлида саъй-ҳаракат қилинаётгани ҳам «Пахтакор - 79» руҳини шод этиш йўлидаги ҳайрли ишлардан десак муболаға бўлмас. Боиси мамлакатимизда футбол қанчалик ривожланиб, унинг халқаро нуфузи ортиб боргани сайин пахтакорчилар руҳи ҳам шунча шод бўлғусидир. Нохуш, ўша воқеага 20 йил бўлиши муносабати билан ўзига хос тадбир-маросимлар амалга оширилмоқда. Хусусан, Тошкент шаҳар футболни ривожлантириш жамғармаси пахтакорчилар хотирасига бағишлаб тадбир ўтказди. Даврага марҳум пахтакорчиларнинг оила аъзолари, футбол фахрийлари таклиф этилди. Эртага эса пахтакорчиларни хотирлаш маросими давом этади. Тонг саҳардан қабристон зиёрат қилинади. Ўйингоҳдаги ёдгорлик пойига гулчамбарлар қўйилади. Тушликда эса шу муносабат билан маъракa оши тортилади. Кеч оқшом «Пахтакор» ўйингоҳи гавжумлашади. Бу ерда футбол-шоу дастури амалга оширилади. Фахрийлардан иборат пахтакорчилар, бугунги «Пахтакор», ёш пахтакорчилар ва журналистлардан иборат жамоалар ўртасида учрашувлар бўлади.

Ҳайдар НОСИРОВ

Кузатинг: Қуёш тутилади

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Улуғбек номидаги астрономия институти илмий ишлар бўйича директор ўринбосари, физика-математика фанлари номзоди Собит Илёсов бу воқеликни қуйидагича шарҳлади.

Ҳисоб-китоблар шуни кўрсатадики, Ер сиртига тушган Ой соясининг энг катта ўлчови 300 километрга яқин бўлади.

Ой ўз орбитаси бўйлаб секундига бир километр тезлик билан ҳаракатлангани учун Ой соясининг ҳам тахминан ана шундай тезлик билан ҳаракатланади. Лекин, шуни таъкидлаш лозимки, соя ўз ўқи атрофида айланиб турган Ерга тушади. Ер айланишининг йўналиши ҳам Ой соясининг ҳаракат йўналиши билан бир хил бўлади. Ернинг сирти гўё орқасидан қувлаб келаётган Ой соясидан қочишга интилади. Лекин, Ер юзасидаги маълум нуқтанинг тезлиги Ой соясининг тезлигидан камроқдир. Бу тезлик экваторда энг катта миқдорга — секундига 465 метрга етади, Ой соясининг ўзидан шу сабабдан олдинда кетаётган Ер нуқталарини қувиб етиб, катта тезлик билан ундан ўзиб кетади. Шунинг учун ҳам Қуёш тутилиши ғарбдан бошланиб, шарққа қараб силжийди ва жуда катта масофаларга чўзилиб кетади. Қуёш тўла тутилиши минтақасининг умумий узунлиги ўн минг километрга етиши мумкин.

Қадим замонларда яшаган халқлар ҳам Қуёш ё Ой тутилишларини олдиндан билганлар. Уларга тутилиш такрорланиб турадиган давр ҳам маълум эди. Бу давр сарос деб аталиб, у 18 йилу 11 кун 8 соатга тенг. Тутилишлар Ой орбитасининг чиқиш ва ботиш тугунлари яқинида рўй беради. Бу тугунлар ҳар йили тахминан 20 градусга бурилади ва Ой орбитасини 18 йилу 11 кун 8 соат ичида бир марта тўлиқ айланиб чиқади.

11 август куни бўладиган тутилиш 1981 йил 31 июлда бўлган тутилишнинг сарос давридан кейинги такрорланишидир. Олдинги тутилиш пайтида унинг минтақаси Кора денгиздан бошланган эди, бу сафар эса Атлантика океанининг ғарбий соҳиллари яқинидан бошланади.

Астрономия фанининг тараққий этиши билан олимлар бундан минг йил олдин бўлган ва юз йиллар кейин бўладиган тутилишлар вақтини жуда аниқлик билан ҳисоблаб чиқиш усулларини кашф этдилар. Ана шундай ҳисоб-китоблардан бири австриялик олим Т.Оппольцернинг 1887 йилда босилиб чиққан «Тутилиш қонунлари» китобида баён қилинган. Бу китобда ўтмишда бўлиб ўтган ва келажакда бўладиган тутилишлар бўйича бажарилган катта ҳажмдаги ҳисоблаш ишлари берилган. Унда эрамиздан аввалги 1207 йилнинг ноябридан эрамизнинг 2161 йил ноябрь ойигача бўлган давр учун 8000 та Қуёш тутилиши ва 5200 та Ой тутилиши вақтлари жуда аниқ берилган. Китобда 160 та картограмма бўлиб, уларда тутилишлар кўриниши мумкин бўлган жойлар тахминан кўрсатилган. Узоқ ўтмишда бўлиб ўтган тутилишлар вақтини аниқ айтиб бериш тарихчилар учун маълум воқеаларнинг санасини

Табиат ғаройиботлари

ўрнатишга имкон беради. Шуни ҳам айтиш керакки, Ер юзасининг маълум жойида тўла Қуёш тутилиши камдан-кам такрорланадиган ҳодиса бўлиб, ўрта ҳисобда 300 йилда бир марта кузатилиши мумкин. Бундан кўринадики, бир жойда доимо яшаб келаётган одам ўз умри давомида бирор марта Қуёшнинг тўла тутилишини кўрмаслиги мумкин. Яна шуни ҳам таъкидлаш жоизки, баъзи ҳудудларда бу давр янада узоқроқ бўлиши мумкин. Масалан, Т.Оппольцер картограммасига кўра, Тошкентнинг 2000 йилдан ортиқ тарихи давомида тошкентликлар табиатнинг бу «инъомидан» атиги 3 марта баҳраманд бўлганлар, ваҳоланки, мана шу давр ичида Ўзбекистон ҳудудида етти, саккиз марта тўла тутилишлар бўлган. Тошкентда охирги марта Қуёшнинг тўла тутилиши XVIII асрда — 1762 йил октябрда бўлган, навбатдагиси 2060 йилнинг 30 апрелида кузатилади.

Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, Ер курраси-нинг маълум бир жойида Қуёш тўла тутилиши камдан-кам бўлганлиги учун астроном олимлар бу ноёб ҳодисани кузатиш мақсадида воқеа содир бўладиган ҳудудларга экспедициялар уюштирадилар. Сафар иштирокчиларининг ҳар бирига ўзига хос вазифалар бўлиб берилади. Бу вазифаларнинг аниқ-равшан бажарилиши учун экспедиция 10-15 кун олдин тутилиш максимал фазаси кузатиладиган жойга етиб келади ва «репитициялар» бошлаб юборилади, ҳар кимнинг ўз имконияти баҳоланади. Хуллас, Қуёш тўла тутилишини кузатиш пайтида ҳеч бир хатолик бўлиши мумкин эмас. Лекин, тутилиш пайтида об-ҳавонинг ҳам катта аҳамияти бор. Агар ҳаво очиқ бўлмаса, кўрилган барча чора-тадбирлар зое кетади.

Юқорида 11 августда тўла тутилиш рўй берадиган мамлакатларни санаб ўтдик. Бу мамлакатлардан ўтувчи Қуёш тўла тутилиш минтақасининг икки томонида 300 километргача ҳудудларда қисман тутилиш содир бўлади. Шунингдек, Ўзбекистонда ҳам.

Қуйидаги жадвалда мамлакатимиз шаҳарлари учун қисман тутилишнинг бошланиш, энг катта фазаси ва тутилишнинг тугаш лаҳзалари Тошкент вақти билан берилган ҳамда тутилишнинг энг катта фазасида Қуёш гардишининг қанча қисми Ой билан тўсилиши кўрсатилган.

(Қуёш тутилишини оддий кўз билан кузатишда эҳтиёткор бўлиш лозим. Тутилишни фақат қорайтирилган ойна орқалигина кўриш мумкин, акс ҳолда кўзга зиён етади)

Шаҳарлар	Тутилишнинг бошланиш вақти	Энг катта фаза вақти	Тутилишнинг тугаш вақти	Энг катта фаза миқдори
Андижон	16-01	17-03	18-00	0.637
Бухоро	15-53	17-01	18-03	0.726
Гулистон	15-58	17-02	18-01	0.672
Жиззах	15-57	17-03	18-02	0.688
Навоий	15-55	17-02	18-03	0.710
Наманган	16-00	17-03	18-00	0.638
Нукус	15-43	16-53	17-57	0.723
Самарқанд	15-57	17-03	18-03	0.704
Термиз	16-00	17-07	18-08	0.747
Тошкент	15-57	17-01	18-00	0.653
Урганч	15-46	16-56	17-59	0.729
Фарғона	16-01	17-04	18-01	0.649
Қарши	15-56	17-04	18-05	0.730

«Ўзбекистон овози» мухбири Алимқул СУЛТОНОВ ёзиб олди.

(Давоми. Боши ўтган сонда)

Бош муҳаррир
Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати
Абдулла ОРИПОВ
Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ
Азиз НОСИРОВ
Қозоқбой ЙЎЛДОШЕВ
Ислом ШОҒУЛОМОВ
Норбобо ШАКАРОВ (бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари)
Алимқул СУЛТОНОВ (бош муҳаррир ўринбосари)
Андрей ОРЛОВ (бош муҳаррир ўринбосари «Голос Узбекистана»)
Бахтиёр ҲАМИДОВ (масъул котиб — «Ўзбекистон овози»)
Валерий ЛАБАРЕШНИХ (масъул котиб — «Голос Узбекистана»)

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ
ГОЛОС УЗБЕКИСТАНА
МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

БЎЛИМЛАР:
Сиёсат — 133-20-36
Иқтисодиёт — 133-76-04
Маънавият — 133-07-20
Хатлар ва оммавий ишлар — 133-12-56, 136-55-16
Ахборот — 133-76-04
Котибият — 133-21-43

Факс — 133-38-55, 133-47-80, 133-73-43, 133-06-83

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Андижонда — 25-16-16;
Бухорода — 23-51-40;
Гулистонда — 25-16-22;
Жиззахда — 3-29-44;
Навоийда — 3-39-20;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 222-70-12;
Самарқандда — 35-20-54;
Тошкентда — 133-12-56;
Урганчда — 226-51-35;
Фарғонада — 26-46-84;
Қаршида — 4-61-35;
Термизда — 3-79-98.

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

Навбатчи муҳаррир Ҳайдар НОСИРОВ, навбатчи Бахтиёр АБДУСАТТОРОВ

Газета «Ўзбекистон овози»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди. Саҳифаловчи-дастурчи Бахтиёр ФАЙЗУЛЛАЕВ

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.
Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Рўйхатдан ўтиш тартиби №00004
Газета офсет усулида. А—2 форматда, 18.117 нусхада босилди.
Ҳажми 2 босма табоқ.
«Ўзбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.
Г — 0624

Босишга топшириш вақти – 21.00
Топширилди – 23.00
1 2 3 4 5 6.

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА

Илмдаги суиистеъмолчилик

ёхуд унинг аянчли оқибатлари хусусида

Хитойлар семизликка қарши

Хитой тиббиётчилари мамлакат ёшларининг ҳар ўнтасидан бири, шаҳар ёшларининг эса ҳар бештасидан бири меъёрдан ортиқ семириб кетаётганлиги ва натижада бугунги кунда мазкур мамлакатда 70 миллиондан ортиқ хом семизлар борлигидан хавотирда. Бу семириш ўз навбатида мамлакат тиббиёти олдига ўта муҳим муаммони қўндаланг қилиб қўймоқда. Шунинг учун ҳам тиббий мутахассислар кейинги пайтда семиришга қарши ўтлардан 100га яқин дори-дармон, 20 хил махсус кремлар ва ҳатто алоҳида совунлар яратишдики, буларнинг барчаси ушбу муаммонинг олдини олишга қаратилган. Бундан ташқари озишни хоҳловчилар учун белга боғлайдиган махсус боғламалар ишлаб чиқарилмоқда. Бироқ мамлакат миқёсида бу тадбирларнинг фойдаси ҳозирча сезилмаяпти. Бунга энг аввало ота-оналар сабабчидирлар, дейишмоқда мутахассислар. Негаки, Хитойда кўп бола туғиш таъқиқланган. Шунинг учун ҳозирги кунда аксарият оилаларда биттадан фарзанд бор холос. Бу эса фарзандларнинг эрка ўсишига, улар нимани хоҳласа, гарчи қиммат бўлса-да, ота-она шуни олиб бериб, улар хоҳиши бўйича иш тутишга олиб келмоқда. Натижада эса юқоридагидек, ачинарли ҳолатлар содир бўлади.

ТАШКИЛОТ
«ВАЗ», «Москвич», «ГАЗ-24», «ГАЗ-53», «УАЗ», «ЗИЛ», «МАЗ», «КамАЗ» автомобиллари учун эҳтиёт қисмларни сотади
ҲАҚ ТЎЛАШ – ПУЛ ЎТКАЗИШ ЙЎЛИ БИЛАН
Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти доирасида харидорнинг олдборхонасигача бепул етказиб бериш мумкин
Манзил
Тошкент, Нукус кўчаси, 29 («Ўзбекистон» машиний хизмат кўрсатиш уйи) — Мўлжал Шимолий темир йўл вокзали.
Телефон: 54-56-11.
Факс: 54-49-97
Пейжер: (067) 90-79

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгандан сўнг маънавиятни юксалтириш давлат миқёсидаги олий мақомга кўтарилди. Зеро, кишиларнинг маънавий-ахлоқий қарашларини покламасдан туриб, халқ хўжалиги тараққиётига эришиш қийин.

Маънавият юксаклиги эса илм-фандаги буюк бурилиш билан бошқача айтганда илм-фан тизимини тубдан ислоҳ қилиш билан боғлиқ. Президентимиз таъбири билан айтганда, «Фан Ватан равнақига хизмат қилсин» фикри туб моҳияти ҳам шу масалани тўғри ҳал қилишга қаратилган.

Илм равнақи авваламбор олимнинг туғма истеъдодида, танланган муаммонинг долзарблиги ва давр учун муҳимлигида, қолаверса, тадқиқотчининг поклиги, дунёқараши ва тафаккурининг кенглигида кўринади. Илмда юқори мансабдаги амалдор хизмат мавкеини суиистеъмол қилса, аянчли оқибатлар юзага келиши мумкин, фан зиён кўради.

Начора, шундай салбий ҳодисалар ҳаётда учраб туради. Айрим «олимлар» мансабдан фойдаланиб илмий даражаларга эришадилар. Илмий-назарий саёз, фан йўналишидан чеккага чиқиб кетган «китоб»ларни чоп қиладилар. Бу эса миллий истиқлол мафкураси йўлидан тўғри кетаётган кишиларни чалғитади.

«Истиқлолга интилган қалблар нидоси» (Тошкент — 1993) деган китобда педагог-олима Роза Полуянованинг 1993 йилда чоп этилган «Ватанпарварлик тарбияси» рисоласидаги Октябрь тўнтаришига қадар Ўзбекистонда халқ саводсиз бўлган қабилидаги фикрлар танқид қилинган.

Танқид керак. Лекин шахсга тегишга, уни ҳақорат қилишга ҳеч кимга ҳуқуқ берилмаган. Ислом Турсунов олимани «бир ватансиз тақводор — Роза Полуянова», «ғаламисликни жойига келтирди» каби ҳунук сўзлар билан ҳақорат қилиб, унинг шаънини оёқ ости қилган. Р. Полуянова Ўзбекистонда туғилиб-ўсган, ўқиган, ҳозир ҳам шу ерда яшайди, ишлайди. Қанакасига у «ватансиз» экан? Устига устак Р. Полуяновани «ғаламислик»да айблаш инсофдан эмас-ку.

Кези келганда бир нарсани эслайлик. И. Турсуновнинг ўзи «Халқ таълимининг долзарб муаммолари» (Тошкент, «Ўқитувчи», 1990) рисоласида К. Маркс, В. Ленин, Н. Крупская, М. Горбачев, қатор съездлар материалларини улуғлаган ва уларнинг ғоясини методологик йўлланма сифатида асос қилиб олган. Демак, шу фикрлари учун И. Турсуновнинг ўзини ҳам ҳақорат қилиш керакми?

Маълумки, 37-йилларда Акмал Икромов, Элбек, Зиё Саид, Олтой, Боту, Ғози Олим, Наим Саид, Носир Саидий каби давлат арбоблари ва зиёлиларга халқ душмани, миллатчи, аксилинқилобчи сингари ашаддий айблар қўйилиб, қатағон қилинган. И. Турсунов эса уларга бугунги миллий истиқлол мафкурасига зид ўлароқ «... сингари талантли журналистлар партия аъзоси сифатидагина эмас, ғоявий раҳбар сифатида ҳам фирқа фаолиятини кўкларга кўтаришди» (38-бет) деган шафқатсиз айбни қўйди. Муаллиф исми-шарифлари зикр қилинган зиёлиларга нисбатан «Фирқа фаолиятини кўкларга кўтар»ишди, шунинг учун улар ҳозирги мустақиллик тузуми ғояларига душман, демоқчими? Бизнингча, бу нуқтаи назар илмий жиҳатдан асосланмаган. Аждодлар руҳини беқорга безовта қилиш шарқона одобдан эмас.

Китобда илмий-назарий, ижтимоий-маънавий чалкашлик саҳифадан-саҳифага ортиб боради. Муаллиф «Панисломизм ва унинг ижтимоий-сиёсий моҳиятини жуда яхши тушуниб етган Ленин» (85-бет) деган сўзлар орқали «комфирқа доҳийси»ни улуғлайди ва яна ёзади: «..фақат 90-йилларга келиб туркий халқлар мусулмонлар олами — исломга эътиқодчилар орзу қилиб келган истиқлол, мустақиллик босқинчиликларга шафқатсизлик ғояси — пантуркизм ва панисломизм тантана қила бошлади. Шунисига ҳам шукр!» (85-бет). Ажабо, пантуркизм ва панисломизм мустақиллик ғоясими? Мустақилликни қўлларига киритган Ўрта Осиё давлатларида, чунончи, Ўзбекистонда пантуркизм ва панисломизм ғояси тантана қилдими? Йўқ, 90-йиллардан кейин миллий мустақиллик ҳамда ҳуқуқий демократик давлат қуриш ғояси тантана қилди.

Ҳаммага аёнки, собиқ Шўролар Иттифоқидан ажралиб чиқиб, мустақилликка эришган барча давлатлар, ҳатто Россия Федерациясида ҳам, шунингдек Ўзбекистонда ҳам «доҳий» В.И. Ленин ғоялари инкор этилаётган бир пайтда Ислом Турсунов уни «назариётчи В. И. Ленин» (176-бет) каби улуғвор сўзлар билан катта олим даражасига кўтарган. Қолаверса, унинг алдамчи, ёлғон сўз-фикрларини келтириб (И. Турсунов келтирган ўша ёлғон жумлаларни кўрсатишни лозим топмадик. — С.О), муаллиф ёзади: «Адолат юзасидан тан олиб айтиш керакки, бундан 76 йил муқаддам айтилган бу сўзларда юртимиз мустақиллиги (?) таъкид бизники — С.О.) кўзда тутилган эди. Ушбу кўрсатма асосида Ўзбекистоннинг мустақиллиги ҳақида бир неча расмий ҳужжатлар ҳам қабул қилинди» (176-бет). Ажабо, И. Турсунов «Ўзбекистон мустақиллиги бундан 76 йил муқаддам айтилган Ленин ғояси асосида тантана қилди» демоқчими?

Ўзбек халқи 70 йил давомида собиқ комфирқа ва Шўро ҳокимиятига тобе, муъте бўлиб яшаганини аллақачон тушуниб етдику. Бу умумбашарий ва инсонпарварлик, мустақиллик ва эрк, озодлик ғояларини билан шаклланиб бораётган халқ фикрини лойқалатишдан бўлак ҳеч нарса эмас, албатта.

Истиқлолнинг биринчи кунлариданоқ ўзбек тилига давлат мақоми берилиб, уни амалга оширишнинг дастури ишлаб чиқилди, тил қўмитаси тузилди. Сал кейинроқ лотин ёзувига ўтиш масаласи ҳал бўлди, нашриётларга дарсликларни шу алифбода чоп этиш тўғрисида кўрсатма берилди. Бутун ўзбек халқи томонидан маъқулланган ўша долзарб масалани ҳал қилишга киришилган бир пайтда И. Турсунов ёзади: «...Совет Иттифоқи халқларнинг умумий алфавити учун лотинлаштирилган алфавит эмас, балки рус тилининг алфавити негиз бўла олишини ҳаётнинг ўзи кўрсатади». (120-121-бетлар). Муаллифга бир нарсани айтишни лозим топдик. Биринчидан, кирилл ёзувига ўтишни ҳаётнинг ўзи эмас, балки бу ҳакда комфирқа ва шўро ҳокимияти кўрсатма берди ва шу ёзувга ўтишга мажбур қилди. Иккинчидан, «барча халқлар ҳам янги алфавитга кўчиш ҳаракатига қўшил» (120-бет)мадилар. Чунончи, грузин ва арман халклари ўзининг ота-боболаридан мерос бўлиб келган ёзувида қолдилар.

Демак, И. Турсуновнинг китоб орқали билдирган ўша фикрлари илмий асосланмаган бўлиб, ҳаёт ҳақиқатидан йироқдир. Қолаверса, ўзбек халқи ўз хоҳиш-иродаси билан лотин ёзувига ўтаётган бир пайтда ўша чалкаш, маъносиз ғояни кўтариб чиқишдан мақсад не экан?

Муаллиф халқ эътиқоди, дини, миллий қадриятлари билан боғлиқ масалаларда ҳам саёз, маъносиз, тушунарсиз қарашларини илгари суради. «Қуръони Карим ҳадисларини», «Унинг (яъни Қаюм Рамазон — С.О.) айтган ҳадислари», «Қуръони Каримдан айтиб берган қуйидаги ҳадислари» (56-бет) каби жумлалар бериладики, улар диншуносликка зиддир.

Қуръони Каримда сура ва оятлар бўлади, Қаюм Рамазон ҳадислар эмас, балки пандномалар айтган бўлиши мумкин. Ҳадиси Шарифлар фақат Муҳаммад Мустафо салаллоҳи алайҳиссаломга хосдир. «Истиқлолга интилган қалблар нидоси» китоби ҳақидаги фикримизни шу ерда мухтасар қилиб, унинг ҳеч қандай илмий ташкилот ёхуд олий ўқув юртларининг кафедраларида муҳокама қилинмаганини таъкидлаймиз. Қолаверса, у ҳеч қандай нашриётда кўрилмай, Фарғона политехника институти босмахонасида босилган. Шунинг учун у ҳақиқий — қонуний нашр эмас.

Президентимиз ва ҳукуматимиз маънавият ҳамда маърифатни юксалтиришга алоҳида ғамхўрлик қилиб, маънавий-ахлоқий покликка ундаётган бир пайтда, педагогика фанига сиқилиб кирган айрим «олимлар» кўчирмакашлик билан шуғулланмоқдалар. Бу иллат тарбияшуносликнинг тубан кетишига сабаб бўлиши табиий ҳолдир.

1997 йилда тарих фанлари доктори, профессор Ислом Турсунов ва педагогика фанлари доктори, профессор Усмонали Нишоналиевларнинг «Педагогика курси» дарслиги («Ўқитувчи» нашриёти) нашр қилинди. Бу китоб биринчи муаллифнинг мансабини суиистеъмол қилиб тазйиқи остида чоп этилганини айтиб ўтиш мақсадга мувофиқдир.

Мазкур дарслик Ю. К. Бабанскийнинг «Методы обучения современной общеобразовательной школы» (Изд-во «Просвещение», М., 1985) ва «Ҳозирги замон умумий таълим мактабида ўқитиш методлари» (ўзбек тилида. «Ўқитувчи» нашриёти, 1990) ҳамда Н.А. Сорокининг «Дидактика» (Просвещение, М., 1974) китоблари билан солиштириб кўрилганда кўчирма иш экани аниқланди. Фикримизнинг тўғрилигини далиллаш учун мисолларга мурожаат қиламиз. И. Турсуновда: «Ҳикоя — баён даврида ўқитувчи янги мавзунинг мазмунини очиб беради, муайян ривожланувчи режа, асосий, муҳимларини ажратиб, иллюстрация ва ишонарли мисолларни изчил баён қилишни амалга оширади». (120-бет).

Ю.К. Бабанскийда: «Ҳикоя — баён вақтида ўқитувчи янги темани мазмунини очиб беради, баённи мантиқий ривожланиб борадиган тарзда, муайян режа бўйича аниқ изчилликда, асосийларини, муҳимларини ажратган, иллюстрациялардан ва ишонарли мисоллардан фойдаланган ҳолда олиб боради» (94-бет).

Маъно-мазмун бир хил, мақсад бир хил, хулоса бир хил. Бироқ И. Турсунов ва У. Нишоналиевлар «тема» сўзини «мавзу», «план» сўзини «режа» каби ўзгартирган, холос.

И. Турсуновда: «Таълимнинг муаммоли-қидирув методларида кўргазмали қўлланмалар энди эсда сақлашни фаоллаштириш мақсадида эмас, балки дарсда муаммоли вазиятни яратадиган эксперименталь масалаларни қўйиш учун ишлатилади» (126-бет).

Ю.К. Бабанскийда: «Ўқитишнинг проблемали —изланиш методларида кўргазмали қуроллар эндиликда эслаб қолишни фаоллаштириш мақсадида эмас, балки дарсларда проблемали вазиятларни» яратадиган вазифаларни қўйиш учун қўлланилади (157-бет).

«Олим»лар кўчирмачилик-ўғрилигини билдирмаслик мақсадида бироз «таҳрир» услубини қўллашга интилибдилар. Яъни, «ўқитишнинг»ни «таълимнинг», «проблемали — изланиш»ни «муаммоли қидирув», «кўргазмали қуроллар»ни «кўргазмали қўлланмалар», «эндиликда»ни «энди», «эслаб қолишни фаоллаштириш»ни «эсда сақланишни фаоллаштириш», «қўлланилади»ни «ишлатилади» ва шу кабилар тарзида тузатганлар. Бу билан улар гўё виждон азобидан қутилмоқчи бўлганлар. Бироқ кўчирмачи олимларнинг таҳрирлари кўп ҳам муваффақиятли чиқмагани юқоридаги мисоллардан равшан кўриниб турибди.

И. Турсунов ва У. Нишоналиевларнинг кўчирмакашлик санъатининг камолга етганини исботлаш учун мисоллар келтиришни шу ўринда мухтасар қиламиз. Чунки бир бошли китобнинг кўпчилик қисми юқоридаги йўсинда кўчириб олинган.

Бу кўчирма дарслик қаттиқ тазйиқ остида чоп этилганини алоҳида таъкидлаймиз. Шу иш босмахонага туширилган ва босилган пайтда И. Турсунов республикамизнинг энг нуфузли ташкилотида масъул лавозимда хизмат қиларди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов инсон маънавияти ва маърифатини юксалтиришга даъват этибгина қолмай, унинг ғояси ва уни амалга оширишнинг назарий-амалий йўналиши ҳамда методларини кўрсатиб бермоқда. Бу муҳим муаммони ҳал этишда педагогика фани асосий ўринни эгаллайди.

Сафо ОЧИЛ

Внимание, аукцион!

Ташкентский филиал РБН проводит 20,31 августа и 8, 22, 29 сентября 1999 года аукционные торги.

На торги выставляются:

Автотранспортные средства со стартовой ценой от 20 тысяч сумов до 2,5 млн. сумов;

Объекты под офис, производство, под жилье, земельные участки под ИЖС, незавершенное строительство, оборудование и др.

20 и 31 августа 1999 г. на торги будут выставлены объекты:

— Модуль со складом и модуль с бытовками АО «Подъемник», расположенные по адресу: г. Ташкент, ул З. Шамсутдиновой, 45. Стартовая цена объекта — 15,0 млн. сумов.

— «РАФ-22031» НИИ «Травматологии и ортопедии». Стартовая цена — 172 960 сумов.

— «ЕрАЗ-762В» НИПТИ «Атмосфера». Стартовая цена 90868 сумов.

— «ВАЗ-2104» Университета мировой экономики и дипломатии. Стартовая цена 301509 сумов.

— «ИЖ-2715» Госбиоконтроля. Стартовая цена 80433 сумов.

Дополнительные справки по телефонам: 144-44-72. 144-44-73
Адрес биржи: г. Ташкент, ул А. Кадыри, 78.

«Ўзбекистон овози» ва «Голос Узбекистана» газеталари таҳририяти жамоаси шу газета бўлим мудири Юсуф Жўраевга акаси **Хусан ХУДОЙҚУЛОВнинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ҳамиша биз билан бирга бўлинг!
Реклама ва эълонлар учун телефонлар:
«Ўзбекистон овози» — 133-47-80, 133-38-55
«Голос Узбекистана» — 136-26-70,